Высшее профессиональное образование считается слишком теоретизированным, не дающим педагогу профессионального обучения и необходимых практических навыков.

Педагогу профессионального обучения с базовым средним профессиональным образованием вполне можно вести занятия по предмету спецтехнологий, это существенно улучшит связь теории с практикой. Вообще в европейских странах СПО считается достаточным для преподавания спецдисциплин для подготовки рабочих специальностей. У нас же считается, что преподаватель специальных дисциплин должен иметь высшее образование, но в этом случае все равно должен иметь соответствующий разряд по рабочей сетке.

В принципе, квалификация мастеров производственного обучения несомненно нуждается в реформировании. В традиционном понимании квалификация мастера производственного обучения означает: человек, который инструктирует и обучает студентов в условиях производства реальных изделий. Существующая квалификация мастера производственного обучения не подразумевает преподавание спецдисциплин. С развитием же новых профессиональных областей, таких как бизнес, туризм и прочие сферы обслуживания, квалификация “мастер производственного обучения” стала слишком узкой и нуждается в пересмотре.

Необходимо также отметить, и это показали интервью и исследования, что в настоящее время до 70 % рабочего времени реальные должностные обязанности прак-

тически во всех профессиональных училищах составляют у мастера производственного обучения социально-воспитательные вопросы с учащимися, т.е. исполнение обязанностей социального педагога, которых руководители не могут ввести в штатное расписание из-за излишней регламентации со стороны региональных органов управления образованием.

В результате мастер производственного обучения теряет свою профессиональную квалификацию и не на профессиональном уровне выполняет обязанности фактически социального педагога, которых сегодня готовят ВУЗы и колледжи.

Практический опыт работы в промышленности.

Для будущих преподавателей и педагогов профессионального обучения чрезвычайно важным является возможность получения практических навыков работы на промышленных предприятиях или в сфере бизнеса, преподавания. В рассматриваемой же системе, студенты, как правило, поступают в педагогическое учебное заведение в возрасте 15-17 лет и, зачастую, начинают педагогическую деятельность сразу после окончания соответствующего учебного заведения, без наличия каких-либо производственных навыков в выбранной специальности.

В принципе возможна компенсация отсутствия практического опыта за счет организации периодических стажировок преподавателя на производстве, уже после того, как он начал свою деятельность в профессиональном учебном учреждении. На практике же это, однако, невыполнимо, в частности по финансовым причинам.

Педагогическая квалификация.

Известно, что хорошая профессия не гарантирует хорошую профессиональную подготовку педагога или мастера производственного обучения. Специалист с профессиональным образованием в той или иной отрасли индустрии, решивший стать педа-

гогом, должен обязательно получить и педагогическое образование.

Им могли бы предложить гибкие и удобные образовательные программы, направленные на получение необходимой квалификации в области профессиональной педагогики на уровне СПО и ВПО, с получением диплома о втором среднем или высшем профессионально-педагогическом образовании.

Повышение квалификации.

Повышение квалификации является непрерывным процессом профессиональной деятельности любого преподавателя или мастера производственного обучения. Она включает в себя два аспекта, которые довольно четко определены и напрямую связаны с успехом карьеры преподавателя. Их можно представить следующим образом:

Переподготовка и повышение квалификации в соответствующей профессиональной области. То есть по отношению к мастеру производственного обучения имеет место процесс получения более высоких профессиональных разрядов на производстве, в других случаях обеспечивается знакомство с новыми технологиями, при этом квалификационные сертификаты могут быть выданы на производстве, в специальных профессиональных учреждениях начального и среднего образования, а также в образовательных центрах или специальными отраслевыми учебными заведениями, принадлежащими соответствующим отраслям промышленности.

Переподготовка и повышение педагогических квалификаций

Формально этот аспект представляет собой процесс, связанный с повышением квалификации педагогических кадров и должен обеспечиваться институтами переподготовки и повышения квалификации. Менее формальный подход связан с ознакомлением и использованием новых подходов и технологий обучения в институтах, в различных образовательных центрах, цен-

трах занятости и институтах подготовки и переподготовки кадров.

Специальная подготовка и дополнительные квалификации

Уже вошло в практику, что после нескольких лет работы в качестве преподавателя или мастера производственного обучения, сотрудники профессиональных учебных учреждений хотят изменить свой статус и пожелать стать, например, методистами или администраторами этих учреждений. Это требует владения информацией иного уровня и специальных навыков, т.е. другого типа квалификации. В существующей системе профессионального образования формально подобные квалификации отсутствуют, хотя сами эти должности включены в штатное расписание любого профессионального учебного учреждения. Имеются также и курсы повышения квалификации как для руководителей, так и для методистов, предлагаемые различными институтами подготовки и переподготовки кадров, но они не ведут к присвоению формальной квалификации.

Существуют и другие области, где специальная подготовка требует дополнительного обучения и введения специальных образовательных модулей. Эти модули представляют собой программы по аттестации студентов, особенностям образовательной подготовки взрослых, использованию средств информационных технологий в учебном процессе и менеджменте и пр.

Комбинированная квалификация

Существуют комбинированные образовательные программы, включающие в себя как педагогическую квалификацию, так и подготовку по определенно профессиональной области. Комбинированная квалификация, соответствующая специальности “профессиональное обучение” для уровня среднего профессионального образования и специальности “профессиональное образование” для уровня высшего профессионального образования реализуется рядом учеб-

ных заведений.

Будущий мастер производственного обучения в конкретной профессиональной области нуждается в производственной практике.

Необходимые квалификации могут быть обеспечены практикой студентов в течение не менее 1 года на производстве, что в принципе реально и не потребует дополнительного финансирования.

Другая слабая сторона этих квалификаций заключается в том, что студенты проходят профессиональную подготовку в возрасте 15-17 лет, и они еще достаточно молоды для осмысления и начала педагогической карьеры. В результате достаточно много выпускников не выбирают для себя педагогическую карьеру, а уходят на производство.

В настоящее время профессиональная подготовка, проводимая базовыми институтами в большой степени теоретизирована, практические же навыки довольно жесткие и зачастую не учитывают меняющуюся роль преподавателя или его новые возможности.

Цель проекта — разработка новых стратегий в области профессионального образования по подготовке, переподготовке и повышению квалификации работников профессиональных учебных заведений, посредством введения новых элементов, которые способны стать основой для системы непрерывного профессионального образования в будущем и в связи с этим проектная группа предлагает разработать новую квалификацию в основе которой лежит существующая квалификация “мастер производственного обучения”.

Итак, главная цель проекта — улучшение качества начального профессионального образования.

Задачами проекта являются:

На управленческом уровне:

- введение новой квалификации под рабочим названием “педагог профессионального обучения”, основанной на существующей квалификации “мастер произ-

водственного обучения”. Отличительными особенностями новой квалификации являются:

- а) объединение функций теоретического преподавателя и мастера профессионального обучения.

- б) сокращение функций, связанных с социально-воспитательной работой, т.е. воспитательная функция будет связана, прежде всего, с воспитанием через обучение.

- введение новых программ повышения квалификации для педагогических работников начального профессионального образования.

В реализации программ предусмотрен модульный подход, причем определенная комбинация модуля с учетом опыта работы, а также полученных ранее квалификаций, должна приводить к присвоению новой профессионально-педагогической квалификации под условным названием педагогического профессионального обучения.

На уровне профессионально-педагогических учебных заведений и институтов повышения квалификации:

- идентификация потребностей в повышении квалификации педагогических работников профессиональных учебных заведений;

- разработка профессиональных и образовательных стандартов по новой квалификации;

- разработка учебных курсов для педагогических работников профессиональных учебных заведений;

- разработка дополнительных квалификаций для педагогических работников;

- повышение квалификации педагогических работников профессионально-педагогическими учебными заведениями, индустрией и профессиональными учебными заведениями.

На уровне учебных заведений начального профессионального образования:

- разработка внутришкольной системы повышения квалификации, которая может

быть зачтена как часть новой квалификации;

- повышение квалификации своих сотрудников;
- приобретение компетенции по организации повышения профессионально-педагогической квалификации.

Естественно, основными результатами этого проекта будут:

1. Разработка рекомендаций по изменению в законодательных и нормативных документах в области профессионально-педагогического образования, переподготовки и повышения квалификации педагогических работников профессиональных учебных заведений уровней начального и среднего профессионального образования, в том числе и в области финансового обеспечения.

2. Налаженное сотрудничество между различными типами профессионально-педагогических учебных заведений и институтов повышения квалификации и профессиональными учебными заведениями начального и среднего уровней, обеспечивающая преемственность и непрерывность в профессиональном образовании.

3. Усилено сотрудничество между профессиональным образованием и индустрией.

4. Идентифицированы потребности в обучении и повышении квалификации педагогических работников профессиональных учебных заведений.

5. Разработана новая профессиональная квалификация под рабочим названием “практический преподаватель” (“педагог профессионального обучения”), основанная на существующей профессиональной квалификации “мастер производственного обучения”.

6. Разработаны отдельные учебные модули, например, “аттестация студентов (учащихся)”, “использование информационных технологий в учебном процессе” и т.д., которые могут быть использованы самостоятельно для повышения профессионально-педагогической квалификации.

7. Учебные курсы профессионально-педагогического образования, повышения квалификации и переподготовки разработаны при участии профессионально-педагогических учебных заведений, институтов повышения квалификации, органов управления образованием, пилотных школ, европейских экспертов и индустрии.

8. Разработана методика признания результатов предварительного обучения и опыта работы.



Используемая литература:



1. Адольф В.А. Степанова И.Ю. Проектирование образовательного процесса профессионального становления специалиста на основе компетентностного подхода // Высшее образование в России. – 2008. -№ 3. –С. 158-161.
2. Андриянова В.И. Педагогические технологии и педагогическое мастерство: Учебное пособие. –Т.: 2005. -96 с.
3. Кузьмина Н.В. Профессионализм личности преподавателя и мастера производственного обучения. –М.: Выс.шк, 1990. -119-с.
4. Нуридинов Б.С. Касб таълими ўқитувчилари малакасини оширишда фаол ўқитиш методларидан фойдаланишнинг илмий-методик асослари: Дисс...пед.фан.ном. –Т.: ЎМКҲТТҚ-МО ва ЎҚТИ, 2002. -128 б.

КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ - КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ

Б.С.НУРИДИНОВ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси бўлим
прокурори, п.ф.н..

Аннотация: Мақолада бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, кадрлар малакасини ошириш жараёнига инновацион ёндашувларни жорий қилиш зарурлиги, бунда компетенциявий ёндашувни татбиқ қилиш, бу борада олиб борилган илмий тадқиқотлар, турли олимларнинг қарашлари ва талқинлари таҳлил қилинган. Прокуратура органлари ходимларида шаклланиши лозим бўлган компетенциялар ва уларни шакллантиришда эътибор қаратилиши керак бўлган жиҳатлар баён қилинган ва тегишли хулосалар берилган.

Аннотация: В статье раскрываются вопросы внедрения инновационных подходов в процесс повышения квалификации кадров в свете проводимых в нашей стране реформ, необходимость применения компетентностного подхода, научные исследования в данной сфере, различные взгляды и научные интерпретации ученых. Изложены необходимые для работников органов прокуратуры компетенции и основные аспекты их формирования, а также сформулированы соответствующие выводы.

Annotation: The article analyzes the need for the introduction of innovative approaches to the process of professional development, the implementation of a competency-based **approach**, the research conducted in this regard, the views and interpretations of various scientists. The competencies to be formed in the staff of the prosecutor's office and the aspects to be taken into account in their formation are described and relevant conclusions are given.

Калит сўзлар: ислохотлар, малака ошириш, инновацион ёндашув, компетенция, компетентлик, компетенциявий ёндашув, умумий компетенция, асосий компетенция, касбий компетенция, шахсга оид компетенция.

Ключевые слова: реформы, повышение квалификации, инновационный подход, компетенция, компетентность, компетентностный подход, общие компетенции, основные компетенции, профессиональные компетенции, личностные компетенции.

Key words: reforms, professional development, innovative approach, competence, competency, competency-based approach, general competence, core competence, professional competence, personal competence.

Мамлакатимизда эришилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимидаги янгиликлар, қонунчиликдаги ўзгаришлар, инновацияларнинг тизимли равишда малака ошириш орқали ўрганилиб борилиши, бу соҳанинг замон билан ҳамнафаслигини таъминлайди. Мазкур жараён ўз навбатида мунтазам малака оширишга бўлган эҳтиёжни юзага келтирар экан, малака ошириш муаммолари илмий-тадқиқот сифатида ўрганилишини, таълим-тарбия жараёнига инновацион ёндашувларни жорий қилишни тақозо қилади.

Бу борада, жорий йил 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти, Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга мурожаатномасида – “Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз” – деб алоҳида таъкидлагани масаланинг долзарблигидан далолатдир [1].

Таълим жараёнини компетенциявий ёндашув асосида лойиҳалаш, ташкил этиш, амалга ошириш, уни бошқариш ва ривожлантиришнинг илмий асосланган тизимини яратиш долзарб педагогик ма-

салалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда жаҳон миқёсида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича таълим стандартлари, малака талаблари ҳамда ўқув дастурларни компетенциявий ёндашув асосида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Компетенция сўзининг луғавий маъноси “competens” (лотинча) ваколат, бирон-бир ташкилот, муассаса ёки шахсининг ваколатлар доираси (“ваколатли орган”, “бу менинг ваколатимга кирмайди”) маъносини англатади. Компетенция сўзининг яна бир маъноси – компетентлилик (лаёқатлилик), яъни ўз касбий фаолияти доирасида бирон-бир функцияни бажариш учун етарли билим ва тажрибаларга эгаллик (компетентли адвокат, компетентли ходим). Компетенция тушунчаси турли олимлар томонидан турлича талқин қилинган бўлиб, қуйида уларнинг айримларига тўхталиб ўтамыз.

О.А.Қўйсиновнинг фикрича, компетенция ўз билимларини тинмай бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, шу кун ва давр талабларини ҳис этишни, янги билимларни излаб топиш маҳоратини, ўз амалий фаолиятида қўллашни талаб қилади [7].

И.П.Мединцева ўзининг илмий мақоласида компетенция – муайян фаолият соҳасида муаммоларни ҳал этиш учун зарур бўлган билим, кўникма ва меъёрий кадриятлар мажмуи, дея таъриф беради [2].

Буюк Британиялик олима К.Тейтлига кўра, компетенция – бевосита касбий фаолиятда намоён бўладиган, меҳнат функцияларини бажариш учун билим ва кўникмаларни қўллаш имконини берадиган инсон қобилияти [6].

Эстониялик олимлар Сигрид Арувяли, Хели Калдас ва бошқаларнинг фикрича, компетенция – инсоннинг ҳаётда ва

иш фаолиятида зарур бўлган вазифалар (функциялар)ни муваффақиятли бажариш қобилияти ва бунинг учун зарур бўлган билимлар, кўникмалар ва ишга бўлган муносабат деб таъриф берганлар [5].

О.И.Окуловский талқинича, компетенция – бу билим ва кўникмаларни қўллаш, шахсий сифатларни намоён қилиш асосида муайян соҳада конкрет фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш қобилияти [3].

Юқоридаги фикрлардан компетенция – бу фақатгина бирон-бир фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар йиғиндиси эмас, балки мазкур фаолиятни самарали амалга ошириш учун зарур бўлган инсоннинг шахсий сифатлари, фазилатлари, муносабати, маънавияти, маданияти бир сўз билан айтганда кадриятлар тизими деган хулоса келиб чиқади. Шу боис, бизнинг фикримизча бир-бирига боғлиқ ва ажралмас бўлган компетенцияни шартли равишда икки тоифага ажратиш мумкин, яъни муайян касбга оид билим, кўникма ва малакаларни ўз ичига оладиган касбий компетенция ҳамда мазкур билим, кўникма ва малакаларни турли вазиятларда мустақил равишда самарали қўллашга имкон берадиган шахсга оид компетенция. Ҳар икки компетенцияга эга бўлган мутахассисни компетентли мутахассис дейиш мумкин бўлади.

Биз томонимиздан олиб борилган ўрганишлар ва таҳлиллар прокуратура органлари ходимларининг муваффақиятли фаолият юритишлари учун уларда қуйидаги умумкасбий ва шахсга оид компетенциялар ривожлантирилиши лозимлигини кўрсатди.

Умумкасбий компетенциялар:

1. Жисмоний ва юридик шахслар муaroжаатлари билан ишлаш компетентлиги;
2. Қонунчиликни тарғибот қилиш

соҳасидаги фаоллиги;

3. Қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш;

4. Мазмунли ва талаб даражасида юридик матн ёзиш;

5. Юридик оғзаки нутқни намойиш этиш;

6. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги компетентлиги;

7. Судларда ишлар кўрилишида қонуний ва адолатли қарор чиқаришга кўмаклашиш;

8. Иш юритиш ва ҳужжатлар билан ишлаш.

Шахсга оид компетенциялар:

1. Хизматга содиқлик (шахсий масъулият, адолатлилиқ, ҳалоллик ва холислик, касбига, хизмат бурчига ва давлат сиёсати-га содиқлик);

2. Тизимли таҳлил ва танқидий фикрлаш кўникмалари;

3. Ташкилотчилик ва бошқарув кўникмалари;

4. Ўз устида ишлаш, ўз-ўзини такомиллаштириш ва хулқни тартиблаш кўникмалари;

5. Мулоқотчанлик;

6. Вазиятга мослашувчанлик, стрессга бардошлилик;

7. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникмалари.

Мазкур компетенцияларни прокуратура органлари ходимларида шакллантириш ва ривожлантириб бориш учун малака ошириш курсларини компетенциявий ёндашув асосида ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Компетенциявий ёндашув тушунчаси ҳам турли олимлар томонидан турлича талқин этилган. Россиялик олима И.П.Мединцева тадқиқот ишларида таълимда компетенциявий ёндашув – муайян фаолият ва маданият соҳасида шахсий ва ижтимоий аҳамиятга молик бўлган

муаммоларни самарали ечиш учун зарур бўлган билим, кўникма ва меъёрий кадритлар йиғиндиси сифатида талқин этилаётган асосий компетенцияларни шакллантиришдир, деган қарашни илгари суради [2].

Т.В.Подалованинг фикрига кўра, компетенциявий ёндашув – бу таълим мақсадларини белгилаш, таълим мазмунини танлаш, таълим жараёнини ташкил этиш ва таълим натижаларини баҳолашнинг умумий тамойиллари йиғиндисидир [4].

Анъанавий ёндашув асосида ташкил этиладиган малака ошириш курслари тингловчиларда муайян соҳа ёки касб бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришни кўзда тутадиган бўлса, компетенциявий ёндашув курс давомида ўзлаштириладиган билим, кўникма ва малакаларни амалиётда, иш фаолиятида самарали қўллаш қобилиятларини ҳамда шахсий сифатларини ривожлантиришга қаратилади.

Малака ошириш курсларини компетенциявий ёндашув асосида ташкил этишда таълим сифати ва самарадорлигини, таълимнинг натижадорлигини таъминловчи қуйидаги асосий ўқув-методик ва ташкилий жиҳатларга эътибор қаратилиши лозим деб ҳисоблаймиз:

таълим мазмунини белгиладиган ўқув-меъёрий ҳужжатлар: малака талаблари, ўқув режа ва дастурларни компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш ва унга мос ўқув-методик таъминот яратиш;

ўқув курсларини тингловчиларнинг ўқишга бўлган реал эҳтиёжлари асосида ташкиллаштириш амалиётини кенг жорий қилиш;

ўқув машғулотларида ўқитишнинг маъруза шаклидан имкон қадар камроқ фойдаланиш, асосан тингловчиларнинг

ПРОФЕССИОНАЛ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ ВА УНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

П.М.МАХСУДОВ

Тошкент ИҚХММИ, “Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси”
кафедраси докторанти.

Аннотация: Профессионал таълим муассасаларидаги ўқувчиларнинг ўзлари танлаган касблари бўйича етарли билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари профессионал таълим ўқитувчисининг профессионал педагогик тайёрлов даражасига бевосита боғлиқдир. Мақолада профессионал таълим ўқитувчисининг педагогик фаолияти ва уни моделлаштириш тўғрисида фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: профессионал таълим, профессионал педагогик фаолият, профессионал таълим ўқитувчиси, моделлаштириш, тузулмавий функционал таҳлил.

Давлатимиз профессионал таълим тизими муассасалари олдида малакали ишчилар тайёрлаш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича янги вазифалар қўймоқда. 2020 – 2021-ўқув йилидан бошлаб янги – бошланғич (касб-ҳунар мактаби), ўрта (коллеж) ва ўрта махсус (техникум) профессионал таълим тизими ҳамда табақалаштирилган таълим дастурлари жорий этиладиган таълим муассасалари ташкил этилди [1].

Янги турдаги профессионал таълим муассасаларидаги ўқувчиларнинг ўзлари танлаган касблари бўйича етарли билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари профессионал таълим ўқитувчиларининг профессионал педагогик тайёрлов даражасига бевосита боғлиқдир. Профессионал таълимнинг ҳозирги энг муҳим муаммоларидан бири битирувчиларни кўп функцияли адекват касбий фаолиятга тайёрлаш ҳисобланади.

Фақат профессионал таълим йўналишини битирган ўқитувчиларгина касбий фаолиятда шахсий ва ижтимоий ҳаётда ўз ўринларини топишда ижодий изланадиган инсонларнинг етишиб чиқишини таъминлайдилар.

Профессионал-педагогик фаолият мураккаб таълим тизими бўлиб, ўз навбатида юқори даражадаги –“Профессионал таълим” педагогик тизимининг бир қисми

ҳисобланади. Профессионал таълим ўқитувчиси фаолияти – профессионал таълим тизими ташкил этилган даврдан то ҳозиргача ўз моҳиятига кўра ҳам, ташкил этувчиларининг ҳажмига кўра ҳам ажралиб турувчи мураккаб таълим тизими сифатида тадқиқ этиб келинаётган муҳим муаммо ҳисобланади [2].

Профессионал-педагогик фаолият ўз ичига педагогик, соҳавий, техник-технологик ва ишлаб чиқариш-технологик компонентларни олувчи интегратив фаолият ҳисобланади. Ушбу фаолиятни ижтимоий-белгиланган ва жамият тақозо этган мақсади – малакали профессионал кадрларни тайёрлаш (ишчини касбига ўқитиш ва шахсини шакллантириш)дир. Ушбу асосий мақсад фаолият объектларини ажратиш учун хизмат қилувчи қуйи мақсадларга эришиш орқали амалга ошади. Қуйи мақсадларга эса муайян муҳандис-педагогик фаолият турлари орқали эришилади.

Профессионал таълим ўқитувчиси фаолиятининг предмети ўқувчи шахсининг профессионал ривожланиши ҳисобланади. Бўлажак ишчини тайёрлаш иши иккита жараён орқали аниқланади: профессионал таълим муассасаларидаги ўқув-тарбиявий жараён, ўқувчилар ва педагогнинг биргаликдаги, ўзаро боғлиқ тавсифдаги фаолияти.

Профессионал таълим ўқитувчиси фа-

олиятини ўрганиш муаммоси билан таълим жараёнининг мақсади ва натижалари муаммоси ўзаро узвий боғлиқ. Бу боғлиқлик таълим тизими ривожланишининг замонавий тенденцияларидан келиб чиқади. Ушбу тенденциялардан бири бу – профессионал таълим ўқитувчисининг маълумот-узатувчи ўқитишдан бўлажак профессионал фаолият мутахассисини тайёрлаш тизимида адекват акс этишга йўл берадиган моделлаштирувчи-ўқитишга ўтишидир. Дарҳақиқат, бундай ўтиш таълимнинг мақсади ва мазмунини тушунишда ҳам, унинг моделловчи фаолиятини ўрганишда ҳам ўзгаришларни талаб қилади. Агар “педагогик тизим” тушунчасига эътибор қаратсак, биламизки, мақсад – бу амалга ошириладиган тизимнинг ўзига хос дастлабки шарт ҳисобланади ва унга педагогик тизимнинг бошқа барча компонентлари қонуниятли асосда боғлиқ бўлади.

Ҳозирги давргача профессионал таълим тизимида мақсад сифатида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиси билим ва кўникмаларининг муайян рўйхати келтириладики, бу уларнинг малака тавсифномаларида кўрсатилган бўлади (“билиши лозим ...”, “уддалаши лозим ...”, “бажариши лозим ...”).

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, замонавий профессионал таълим ўқитувчиси учун ўз соҳаси бўйича профессионал билим ва кўникмалар эгаси бўлиши билан бирга, унинг ўзидаги билим, кўникма ва малакаларни ўқувчиларга қай даражада моҳирона амалга ошира олиш қобилияти ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Хоҳ саноат бўлсин, хоҳ таълим тизими бўлсин – кадр бунортмачиларига ёш мутахассиснинг нимани билишидан кўра, қандай ишлай олиши муҳимроқдир. Шу сабабли билим ва кўникманинг ўзи таълим натижаси сифатида, кези келганда таълим мақсади бўлиб, юзага чиқа ола бермайди. Билим ҳам, кўникма ҳам албатта ўқитиш натижасининг ўртаси, оралиғи бўлиши лозим, охирги натижа бўлиб эса профессионал фаолиятнинг ўзи юзага чиқади. Табиийки, бу ерда: бу қандай кўринишда акс этади?

мақсад фаолиятнинг қайси тилида кўрсатилади? каби бир қатор саволлар келиб чиқади. Бу борадаги мулоҳазалар шуни кўрсатадики, бас, натижа сифатида фаолият юзага чиқар экан, демак шундай модел яратилиши керакки, у минимал ўзгаришлар билан реалликни акс эттириб турсин. Акс ҳолда талаба нимага таёрланди-ю, амалда у нимага рўбарў келди, деган икки ҳолат ўртасида яққол номуносиблик юзага чиқади.

Шундай қилиб, профессионал-педагогик фаолиятнинг ўзига хосликлари ҳисобга олинган ҳолда (ўрта умумтаълим мактаб ўқитувчиси фаолиятига такқосланса) профессионал таълим ўқитувчисини тайёрлаш жараёнининг асоси бўла оладиган адекват моделини қандай қуриш муаммоси юзага келади. Уни қуришда ҳам тадқиқотларнинг эмпирик натижаларига, ҳам назарий методикаларга мурожаат қилиш лозим бўлади.

Моделлаштиришнинг зарурияти шундан келиб чиқадики, у (модел) профессионал таълим ўқитувчисини нафақат инвариант, идеаллашган шахсий параметрлари ва профессионал фаолияти, балки унинг шаклланиш жараёнини ҳам қарор топишига ёрдам беради. Моделлаштириш яхлитликда профессионал фаолиятнинг моҳиятли хоссаларини мақбул (оптимал) акс эттирувчи, бир-бирига алмашинувчи тоифадаги моделларни кетма-кет ишлаб чиқишни тўхтовсиз жараёни сифатида пайдо бўлади

Профессионал-педагогик фаолиятнинг моделлаштириш муаммоси билан бир қатор тадқиқотчилар [3,4, 5, 6] шуғулланган бўлиб, бу борада етарлича тажриба тўпланган.

Ҳозирги пайтда бўлажак профессионал таълим ўқитувчисининг моделини ишлаб чиқишда асосан 3 та метод қўлланилади:


- 1) профессионал таълим ўқитувчисидан фойдаланишдаги реал амалиёт таҳлили;
- 2) назарий-экспериментал метод;
- 3) профессионал таълим ўқитувчиси тайёрланган фаолиятнинг ривожланиши ҳақидаги моделлаштиришни башоратлаш методи.

Биринчи методга кўра профессионал таълим ўқитувчисидан фойдаланиш амалиёти таҳлил қилинади ва улар бажарадиган профессионал фаолият турлари белгиланади. Иккинчи – назарий-экспериментал методга кўра моделни куриш тузумий ва функционал фаолият структураси ҳақидаги билимлар асосида олиб борилади.

Биринчи методга асосан профессионал таълим ўқитувчисининг замонавий талабларга жавоб бера оладиган мақбул, яхлит фаолият моделини тузиш бир мунча мураккаб иш ҳисобланади. Чунки бунда профессионал фаолият асосий – интеллектуал

қисмининг ўрганилувчи тасавурида кечиб ўтадиган жараён бўлганлигидан, уни қайд этиш масаласи ишни мураккаблаштиради.

Профессионал таълим ўқитувчисининг профессионал-педагогик фаолияти ташкил этувчиларини объектив ва тўлиқ аниқлашга назарий-экспериментал метод орқали эришиш мумкин. Бироқ моделни ишлаб чиқиш учун уни қўллаш моделда фаолиятнинг барча компонентларини акс эттиришга йўл бермайди. Хусусан, ташқи шароитлар (педагогик фанларнинг ривожланиш даражаси, педагогик амалиёт талаблари ва б.) дан боғлиқ бўлади ва доимо ўзгариб туради.



1-расм. Профессионал таълим ўқитувчиси касбий фаолияти босқичма-босқич тузулмавий-даражали модели.

Профессионал таълим ўқитувчисининг профессионал-педагогик фаолиятини ўзига хослигини ҳисобга олиб, замонавий талабларга жавоб бера оладиган мутахассис фаолияти моделини ишлаб чиқиш учун реал амалиётда мутахассисдан фойдаланишнинг таҳлили ва назарий-экспериментал методларни биргаликда қўллаш мақсадга муво-

фикдир.

Бундай замонавий моделнинг ташкил этувчиларини профессионал таълим ўқитувчисининг босқичма-босқич тузулмавий-даражали модели кўринишида 1-расмда кўрсатилгандек тасвирлаш мумкин.

Замонавий талабларга жавоб берадиган мутахассиснинг фаолият моделини

БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРНИНГ ТЕХНОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

КИЁМОВ АБДУЛЛА
Мустақил тадқиқотчи

Аннотация: Мазкур мақолада олий таълим тизимини модернизациялаш жараёнида мутахассисларнинг компетентлик даражасига қўйиладиган талаблар ва шу даражага эришиш учун амалга оширилиши керак бўлган вазифалар ҳақида фикрлар баён қилинган. Педагогнинг технологик компетентлигини ривожлантириш босқичларини ташкил этиш бўйича таклифлар келтирилган.

Таянч сўзлар: компетент ёндашув; компетентлик даражалари; педагогнинг касбий компетентлиги; технологик компетентлик.

Аннотация: В данной статье изложены мнения о предъявляемых требованиях к уровню компетентности специалистов в процессе модернизации системы высшего образования и о необходимых задачах осуществляемых для достижения требуемых уровней. Приведены предложения по организации этапов развития технологической компетенции педагога.

Ключевые слова: компетентностный подход; уровни компетентности; профессиональная компетентность педагога; технологическая компетентность.

Annotation: The article is devoted to the problems of the formation of technological competence of the teacher in the higher education system in accordance with modern requirements. It outlines the requirements for the competence of specialists in the process of modernization of the higher education the tasks that must be done to achieve them. Proposals on the organization of the stages of development of teacher's technological competence are presented.

Key words: competency-based approach; competency levels; teacher's professional competence; technological competence.

Педагогик маданият ислохотлари орасида касбий таълим ва шахсни тарбиялаш муносабатлари ўртасидаги муаммолар муҳим аҳамият касб этади. Замонавий таълим технологиялари таълим жараёнларига ижодий ёндашувчи, чуқур билимга эга бўлган педагогларни шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу жараёнда педагог илмий асосланган билимларнинг кўчишини, юзага келган муаммоларни тўғри баҳолаб қарорлар қабул қилишни, мавжуд ахборотларни чуқур таҳлил қилиб, саралаб олиш ва уларни педагогик усуллар тизимига жорий этишни ҳамда улардан самарали фойдаланишни ўрганишни тақозо этилади. Олий таълимга бундай ёндашув нафақат билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга, балки уларни эгаллаш усуллари, шахсининг ижодий салоҳияти ва билим олишга бўлган рағбатини ривожлантириш, фикрлаш ва фаолият юритиш усуллари ҳамда намуналарини эгаллашга йўналтиради. Ҳар бир мутахассисдан ўзининг компетентлиги-

ни доимий равишда юқори даражада сақлаб туриши учун, ўз билимларини доимий янги-ларни билан бойитиб мутаҳкамлаб бориши, ҳар қандай вақт ва шароитда фаолиятига доир юзага келган муаммоларни самарали ва йўқотишларсиз бартараф эта олишига кўмаклашувчи янги ахборот ва маълумотларни пухта эгаллаб бориши талаб қилинади. Ўрганилган илмий-услубий адабиётларда компетентликнинг қуйидаги даражалари мавжудлиги белгилаб қўйилган:

- махсус компетентлик – таълим муассасаларида (олий ёки ўрта махсус) махсус таълим олиш натижасида шаклландиган компетентлик;

- олий таълимдан кейинги таълим жараёнида амалиётда касбий фаолиятга оид технологияларни эгаллаш ва уларни рефлексиялаш (критерийлар асосида таҳлил қилиш) бўйича қобилиятларни ҳосил қилиш натижасида фаолият малакасига эга бўлишлик;

- ташкилий-фаолиятий компетентлик –

узлуксиз таълим жараёнида эгалланган фаолиятни ривожлантириш механизмларини ўрганиш натижасида шаклланадиган компетентлик;

- касбий компетентлик – махсус фаолият турини эгаллаш, уларни рефлексиялаш (критерийлар асосида таҳлил қилиш) ва узлуксиз касбий таълим (олий таълим муассасаси, олий таълимдан кейинги таълим) жараёнида уни ривожлантириш механизмларини ўрганиш ва ўзининг амалий фаолиятида профессионаллик даражасига эришиш натижасида шаклланадиган компетентлик.

Охирги даражанинг бошқа даражалардан фарқи шундаки, касбий компетентлик фаолият субъектининг ўз фаолиятини квалификациялаш қобилияти мавжудлиги орқали тавсифланади. Демак педагогнинг касбий компетентлиги деганда, ижтимоий ҳаётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган таълимда “вазоят-фаолият усули” муносабатларини акс эттиришга тайёрлиги тушунилади.

Назарий жиҳатдан касбий компетентлик мутахассиснинг ўз фаолиятида юқори малага эгаллиги ва уни ривожлантира олиш қобилияти мужассамлашганлиги билан тавсифланади. У сифат нуқтаи назаридан касбий компетентликнинг концептуал лойиҳасидек, ҳар бир педагог эришишга интилиши зарур бўлган “стандарт-рекорд” сифатида талқин қилинади.

Эмперик жиҳатдан касбий компетентлик таълим тизими ходимларининг (педагогларнинг) ўз фаолиятида юзага келувчи таълим соҳасидаги ҳар хил мураккаблик даражасидаги касбий муаммоларни ўз вақтида ва самарали баргараф эта олиш қобилияти билан тавсифланади ва касбий компетентликнинг идеал модели сифатида намоён бўлади.

В.А. Слостениннинг таъкидлашича технологиялар тушунчаси жамиятга XX асрнинг иккинчи ярмида кириб келди ва инсониятнинг илмий ва амалий фикрлашининг ўзига хос регулятиви сифатида намоён бўлди [4]. Унинг регулятив таъсири шундан иборатки, у барча соҳалардаги шу жумладан, таълим

соҳасидаги тадқиқотчилар ва амалиётчилар фаолияти натижадорлигининг асосларини топиш, талаб қилинаётган натижаларга эришишни кафолатлаш учун илм-фан ва тажрибанинг энг илғор ютуқларини сафарбар этиш, фаолиятни ўзини оқлай олмайдиган кўп куч, вақт ва ресурсларни нотўғри сарфланишига олиб келувчи экстенсив усуллар асосида эмас, балки максимал даражада илмий асосланган, самарадорлиги ва натижадорлиги юқори бўлган интенсив усуллар асосида ташкил этиш, фаолиятни бажариш жараёнида унга доимий равишда ўзгартиришлар киритиб турилишининг олдини олиш мақсадида, унинг ҳар томонлама пухта ишланган лойиҳасини ишлаб чиқиш ва конструкциясини яратишга катта эътибор қаратиш, энг янги ва замонавий ахборот ҳамда коммуникация воситаларидан кенг қўламда фойдаланиш, шу билан бирга оғир қўл меҳнати талаб қилинадиган операцияларни максимал даражада автоматлаштиришни йўлга қўйишни тақозо этади. Мухтасар қилиб айтганда, технология инсон фаолиятининг устувор кўрсаткичи бўлиб қолмоқда, яъни оптималлашганлик “методика” тушунчаси билан ифодаланган анъанавий даража билан қиёсланганда, самарадорликнинг янги сифат босқичига ўтиш, оптималлашганлик ва илмий асосланганлик деб аташ мумкин. Технология бу урф эмас, балки замонавий илмий-амалий фикрлаш усули демакдир.

Л.К. Гребенкина технологик компетентлик тузилмасининг асосий ташкил этувчи элементлари сифатида қуйидагиларга эътибор қаратган: билимлар жамланмаси (методологик, методик, технологик, ахборот-таҳлилий), педагогик техника, педагогик таъсир ва ўзаро ҳамкорликнинг ҳар хил метод ва услублари мажмуаси, янги технологияларнинг лойиҳасини ишлаб чиқиш ва конструкциясини яратиш кўникмалар, ижодкорлик қобилияти. Унинг фикрича педагогнинг маҳорат даражаси технологик компетентлик даражасига боғлиқ бўлади ва қуйидаги критерийлар асосида белгиланади [1]:

- мақсадга мувофиқлик (мақсадга йўнал-

тирилганлик бўйича);

- ижодкорлик (фаолиятнинг мазмун-моҳияти бўйича);

- технологиклик (педагогик техника даражаси бўйича);

- оптималлик (самарадорлиги юқори воситаларни танлаш бўйича);

- маҳсулдорлик (натижа бўйича).

Бу хулоса ўз-ўзини тўлиқ оқлайди, зеро педагогнинг технологик компетентлик даражаси қанча юқори бўлса, унинг педагогик маҳорати даражаси ҳам шунча юқори бўлади.

Тадқиқотчилик ҳаракатлари, операциялари педагогнинг умумлаштирилган касбий кўникмалари таркибига киради, яъни педагогнинг технологик компетентлигининг муҳим компоненти ҳисобланади. Аммо махсус тадқиқотлар ва тажрибалар шуни кўрсатадики ёши, иш стажи ва мутахассислигидан қатъи назар, олий маълумотли педагогларнинг аксарияти амалиётда бундай фаолиятни олиб боришга тайёр эмаслар, яъни фаолиятни тадқиқотчилик асосида амалга ошириш жараёнида юзага келувчи муаммоларни бартараф этиш усуллари ўзлаштирмаганлар. Бундай педагоглар ўз фаолиятларини тадқиқотчилик асосида ташкиллаштириш ва унга мослашишда қатта қийинчиликларга дуч келадилар. Бунга сабаб олий таълим муассасаларида бўлажак педагогларни касбий тайёрлашнинг шаклландирилган тизими, чунки бундай тизим педагогларда тадқиқотчилик асосида ўз фаолиятини амалга ошириш бўйича зарур кўникма ва тажрибаларнинг шаклланишини таъминлай олмайди. Ҳозирда бу муаммони бартараф этиш педагогларнинг малакасини ошириш тизими зиммасида қолиб келмоқда. Тайёргарликнинг мотивациявий компоненти – технологик компетентликнинг умумий эмас ҳар бир конкрет педагог учун туб маъно ва мазмуни демакдир. Агар у юқори моҳиятга эга бўлмаса, яъни бу жараёнда иштирок этиш инсон томонидан муҳим бир воқелик деб қабул қилинмаса, унинг ўзи учун жозибadorлик касб этмаса, фаолиятнинг моҳиятига йўналтирилганлик нуқтаи назаридан педагогнинг бундай фао-

лиятни амалга оширишга тайёр эмаслигини билдиради. Технологик фаолиятга тайёрликнинг юқори даражасига етук мотивацион тузилма мос келади, бунда ўз-ўзини англаш, ва ўз-ўзини ривожлантириш каби кўрсаткичлар муҳим аҳамият касб этади. Бундай кўрсаткичларни ўзлаштиришнинг муҳим шарти бу – педагогнинг ўз касбий қобилиятини ривожлантириш ва имкон доирасида юқори натижаларга эришишга қаратилган бўлиши керак.

Н.Н.Манько касбий компетентлик тузилмаси таркиби янги компонент, технологик компетентлик деб аталувчи компонент билан тўлдирилиши керак, деб ҳисоблайди ва унга педагогик воқеликни ўзгартиришга қаратилган, жиҳозлар билан таъминланган фаолият стереотиплари ва қобилиятлар ҳамда креатив-технологик билимларнинг функционал тизими, деб таъриф берган [2].

Ҳозирги кундаги мавжуд педагогик жараёнда педагогнинг технологик компетентлигига мансуб бўлиши мумкин бўлган кўникмаларнинг қуйидаги функционал гуруҳлари алоҳида ажралиб туради. Булар у ёки бу кўринишдаги педагогик муаммони бартараф этишга имкон берувчи конкрет касбий кўникмалар тўплами сифатида намоён бўладиган, билвосита касбий фаолиятни амалга оширишга қаратилган кадриятлар ва мотивларга асосланган когнитив, операцион-фаолият, дидактик-методик ва рефлексив-таҳлилий кўникмалар. Технологик компетентлик касбий-шахсий компетентлик тузилмасининг бир компоненти бўлиб Е.И.Никифорова томонидан билвосита педагогнинг касбий фаолиятини амалга оширишга қаратилган кадриятлар ва мотивларга асосланган когнитив, операцион-фаолият, дидактик-лойиҳалаш ва рефлексив-таҳлилий кўникмалар тўплами деб юритилади. Технологик фаолиятга тайёрлик дейилганда, педагогнинг педагогик фаолият субъекти вазибаларини бажариш учун зарур бўладиган ижобий фазилатлари тўплами тушунилади. Бу фазилатларнинг белгилаб олинган гуруҳига (когнитивлик, ижодкорлик, ахборот-таҳлилий, рефлексив ва бошқалар)

муаммоларни бартараф этишда компетентлик, мотивацион ва тадқиқотчилик компонентларини ажратиш кўрсатиш мумкин [3].

Асосан билимларни репродуктив усулда эгаллаш ва касбий кўникмаларни такомиллаштиришга асосланган малака ошириш тизими самарадорлиги ҳозирги кунда паст бўлиб қолди ва у педагоглар касбий компетентлигини бир бутун таълим ёки унинг таркибидаги алоҳида компонентларининг шаклланишини таъминлай олмай қолди. Малака ошириш жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишдан мақсад фақатгина билим ва кўникмаларни тўплаш эмас, балки биринчи навбатда ҳар бир таълим олувчининг ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиб тегишли хулосалар чиқариши ва педагогик фаолиятга ижодий ёндашуви бўлиши керак. Педагогни таълим жараёнларида технологияларни амалга оширишга педагогик-психологик тайёрлашнинг муҳим томонини биз таълимни технологиялаштиришнинг асосий тамойилларини ўзида мужассам этган реал ва замон талабларига мос келувчи таълим муҳити лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни ташкиллаштириш, деб ҳисоблаймиз. Бундан кўриниб турибдики бундай жараённи амалга оширишда шахсий-фаолиятини ёндашув энг мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Малака ошириш жараёнида фаолият усуллари турларга ажратиш билан бир вақтнинг ўзида юзага келган муаммоли вазиятларда уларга мослаша олиш жараёни амалга оширилади. Демак педагогларни касбий тайёрлашнинг асосий мақсади ҳар бир таълим олувчи шахснинг ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини сафарбар этиш механизмини шакллантириш ва педагогик фаолиятга оид тажрибаларини

бойитиш бўлиб қолади. Педагогнинг технологик компетентлигини ривожлантиришни уч босқичда ташкил этиш мақсадга мувофиқ:

- бошланғич босқич – когнитив йўналтирилган таълим бериш;
- асосий босқич – фаолиятини йўналтирилган тайёргарлик;
- яқунловчи босқич – шахсий йўналтирилган тайёргарлик.

Келтирилган босқичларнинг барчасида мақсадга эришишга қаратилган шахсий-фаолиятини технологиялардан фойдаланиш тақозо этилади, яъни:

- касбий-фаолиятини салоҳиятни фаоллаштириш;
- шахсни касбий ривожлантириш;
- метакасбий таълимни шакллантириш: умумлашган билимлар, кўникмалар, малакалар, ҳаракатлар ва компетенциялар.

- касбий фаолиятини амалга оширишда юқори квалификациядаги тажрибалардан фойдаланиш;

- касб таълими жараёни барча иштирокчиларининг ҳамкорликда ишлашларини таъминлаш. Шундай қилиб, технологик компетентлик, касбий компетентлик тузилмасининг бир компоненти сифатида профессионалларга хос бўлган “бажариш” кўникмасини, яъни ўз вазифасини натижали амалга оширилишини ифодалайди, тадқиқотимизга кўра, режалаштирилган натижаларга эришишни таъминловчи ўқув жараённинг лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш демакдир. Педагогларнинг технологик компетентлигини ривожлантиришга қаратилган малака ошириш жараёнларини ташкил этишнинг энг самарали усули бу –шахсий-фаолиятини усул ҳисобланади.



Фойдаланилган адабиётлар:



1. Гребенкина, Л.К. Формирование профессионализма учителя в системе непрерывного профессионального образования: автореф. дисс. ...д-ра пед наук/ Л.К. Гребенкина.-М.: 2000.-441 с.
2. Манько, Н.Н. Теоретико-методические аспекты формирования технологической компетентности педагога: автореф. дисс. ...канд.пед. наук/ Н.Н. Манько.-Уфа, 2000.-227 с.
3. Никифорова, Е.И. Формирование технологической компетентности учителя в системе повышения квалификации: автореф. дисс. ...канд.пед.наук/ Е.И. Никифорова.-Чита, 2007.-242 с.
4. Слостёнин, В.А. Личностно-ориентированные технологии профессионально-педагогического образования /В.А.Слостёнин// Сибирский педагогический журнал.-2008.-№1.- с. 49-74.

ЎҚУВЧИЛАРДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЎҚУВ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАЛАРНИНГ ЎРНИ

ХАЙДАРОВ БОТИР МАШРАПОВИЧ

ПИКХТБПКҚТМОИ катта ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи

Аннотация. Мақолада профессионал таълим тизимидаги ўқув амалиётларида амалий кўникмаларни шакллантиришда қўлланиладиган йўриқли ва йўриқли-технологик хариталарнинг аҳамияти ва вазифалари, уларни қўллаш методикаси ҳамда йўриқли ва йўриқли-технологик хариталарнинг фарқи, улардан самарали фойдаланиш юзасидан кўрсатмалар берилган.

Аннотация. В данной статье рассматривается значение и задачи инструкционных и инструкционно-технологических карт, используемых при формировании практических навыков во время учебной практики в системе профессионального образования, методология их применения, сходства и различия между инструкционными и инструкционно-технологическими картами, даются инструкции по их эффективному использованию.

Annotation. The article reveals the significance and tasks of instructional and instructional-technological maps used in the formation of practical skills during educational practice in the vocational education system. At the same time, the methodology of their application is considered, as well as the similarities and differences between instructional and instructional-technological maps. For the master of industrial training, instructions are given on how to effectively use them during the introductory and current briefing.

Бугунги кунда юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали корхоналар рақобатбардошлилигини ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни илғор технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Технологиялар эса амалга жорий этилишидан аввал турли технологик ҳужжатларда намоён этилади. Профессионал таълим тизимида бўлажак мутахассисларни технологик ҳужжатлар билан ишлашга ўргатиш ҳамда амалий касбий кўникмаларни шакллантириш мақсадида ўқув технологик ҳужжатлар, яъни ўқув технологик хариталардан фойдаланилади.

Ўқув технологик хариталар – технологик жараён операцияларининг кетма-кетлиги, уларни бажариш учун кўрсатмалар ва талабларни ўз ичига олган ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш воситаси.

Ўқув технологик хариталар меҳнат операцияларини ўрганишда қўлланилади ва меҳнат операцияларини ташкил қилувчи иш жараёнини амалда бажариш кетма-кетлиги,

хавфсизлик техникаси, техник талаблар, иш жараёнида керак бўладиган хом ашё, жиҳоз, асбоблар ҳамда назорат усули ва воситаларини ўз ичига олади.

Ўқув технологик хариталардан фойдаланишнинг зарурати бир қатор сабабларга боғлиқ. Хусусан,

малакали ишчиларни тайёрлаш сифатига талабларнинг тобора ортиб бораётгани;

ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими жараёнида самарали бошқариш ва улар билан индивидуал машғулотлар ўтказиш учун вақтнинг етишмаслиги (тадқиқотлар шуни кўрсатадики, амалий машғулотнинг давомийлиги 6 соат бўлгани билан, гуруҳдаги 25 нафар ўқувчи учун ишлаб чиқариш таълими устаси ҳар бири билан индивидуал ишлаши атиги 6-8 дақиқа вақт олади);

назария ва амалиёт ўртасидаги боғлиқликнинг мустақкам эмаслиги;

ўқувчилар учун амалий иш жараёнида китоблар ва китоб шаклида нашр қилинган йўриқномалардан фойдаланишнинг ноқулайлиги.

Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, амалий машғулотларда ўқув технологик хариталардан фойдаланиш ҳар бир ўқувчи бажарадиган ишларга кўрсатмалар беришнинг энг самарали усули бўлиб, ўқув жараёнида ўқувчиларнинг мустақиллигини ошириш имконини беради.

Ишлаб чиқариш таълими устаси технологик операцияни кўриб чиқаётганда аввал унинг моҳияти, мақсадлари ҳақида гапириб беради ва уни ўқувчиларга олдиндан таниш бўлган операциялар билан ўхшашлиги ва фарқларни таъкидлаб, таққослайди ҳамда технологик операциянинг мақсадидан келиб чиқиб, уни таркибий қисмларга ажратади ва умумий тавсиф беради. Бу эса ўқувчиларнинг эътиборини операциянинг алоҳида қисмларини батафсил ўрганишга ва таҳлил қилишга йўналтиради.

Ишлаб чиқариш таълими устаси томонидан ишларни бажариш тартиби, меҳнат ҳаракатлари ва усуллари бўйича бериладиган кириш инструктажи қанчалик аниқ, тўлиқ ва тушунарли бўлгани билан ўқувчилар кўриб-эшитганларининг барчасини тўлиқ эслаб қола олмайди. Бу камчиликни бартараф этиш учун уста машғулот давомида ўқувчиларга тушунтириб, кўрсатиб, эслатиб боради. Лекин, уста ўқув машғулот вақтида алоҳида иш жойларида амалий иш бажариб турган барча ўқувчиларга бир вақтнинг ўзида бундай инструктажни олиб бора олмайди. Шундай вазиятда ўқув технологик хариталарнинг аҳамияти, ўрни ва зарурияти ортади. Чунки, харитада амалий ишни муваффақиятли бажариш бўйича кўрсатмалар тартибли равишда матн, чизмалар ва расмлар орқали кўрсатилган бўлади.

Таълим муассасасининг ўқув устахонаси ва лабораторияларида ўтказиладиган ўқув амалиётларида қуйидаги ўқув технологик хариталар турларидан фойдаланилади:

Йўриқли хариталар - алоҳида технологик операцияларни бажаришда ёки меҳнат усуллари, услубини ўзлаштиришда қўлланилади.

Йўриқли-технологик хариталар - ўқувчилар мураккаб бўлган ёки бир нечта ҳар хил операциялардан иборат бўлган комплекс ишларини бажарганда, жиҳозлар ва механизмларни созлаш ҳамда жиҳозларга техник хизмат кўрсатишни ўрганишда қўлланилади.

Ўқув алгоритмлар – муайян ҳаракатлар тизимини маълум тартибда бажариш ҳақидаги аниқ қоида*. Ўқув жараёнининг турли босқичларида қўлланилади. (*Педагогика энциклопедияси)

Йўриқли хариталар. Ўқувчилар касбий маҳоратга эга бўлмаган, касбни эндигина ўргана бошлаган, касбий аҳамиятга эга бўлган кўникмалар шаклланмаган, улар учун ҳамма нарса янги ва тушунарсиз бўлганида, бажариладиган ишларни батафсил тушунтирилишига муҳтожлигида ҳамда алоҳида операцияларни ўрганиш ёки машқлар бажаришда **йўриқли хариталар**дан фойдаланилади.

Ўқувчиларда касбий кўникмаларни шакллантириш ва мустақил иш бажариш жараёнини самарали бошқариш мақсадида йўриқли хариталар билан ҳар бир ўқувчининг иш жойи индивидуал таъминланиши лозим. Бундай индивидуаллаштириш ўқувчиларга иш жараёнида мустақил равишда кўрсатмаларга қайта-қайта мурожаат қилиш имконини беради. Йўриқли хариталарнинг кўрсатмасига эга бўлган ўқувчи ўз ҳаракатларини доимий равишда назорат қилиб бориши ва хатоларини тўғрилаб бориши мумкин.

Йўриқли хариталарда маълумотлар икки турда берилди:

ёзма (матнли) ва график-чизмали. Ёзма турида – ишларни бажариш энг мақбул кетма-кетликда тавсифланади, хавфсизлик қоидалари берилди, меҳнат услуби ва усуллари ёритилади, ўзини ўзи ва бажарган ишларни назорат қилиш усуллари тушунтирилади, меҳнат ҳаракатларини амалга ошириш учун ишлатиладиган асбоблар ҳақида кўрсатмалар берилди;

график-чизмали – чизмалар, графиклар, диаграммалар, расмлар ва бошқа кўрсатмаларни йўриқ бериш қийматига эга кўргазмалар материаллар. Улар ўқувчиларга иш жараёнида меҳнат ҳаракатларини ўзлаштириш учун қулайлик яратиб, маълумотни тўлиқ визуал ҳолатда қабул қилишга ёрдам беради.

Йўриқли харита билан ўқитиш сифати юқори бўлади. Бунинг сабаблари: биринчидан, хариталар мавжудлиги ўқувчиларга, айниқса янги меҳнат усуллари, услубларини ўрганиш вақтида уларга йўриқнома сифатида хизмат қилиб, ўқитиш самарадорлигини оширади; иккинчидан, йўриқли хариталар касбий тажрибага эга ва ўқитиш методикаси бўйича юқори малакали мутахассислар томонидан тайёрланади, улар эса ишлашнинг энг самарали усулларини, қоидаларини ҳамда ўқитишнинг услубий жиҳатларини очиб беради. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, йўриқли хариталар – бу тажрибаси кам бўлган ишлаб чиқариш таълими усталари учун ўзига хос ўқув қўлланма вазифасини ҳам бажаради. Шунинг учун йўриқномали хариталар нафақат ўқувчилар учун, балки тажрибаси кам бўлган ишлаб чиқариш таълими устаси учун ҳам ўқув-услубий қўлланма сифатида кўриб чиқилиши ва ишлатилиши керак.

Йўриқли харита ўрганилаётган операцияни икки нуқтаи назардан очиб беради: "Нима қилиш керак?" ва "Қандай қилиш керак?". Энг асосийси - "Қандай қилиш керак?". Бунинг моҳиятида хаританинг ҳар бир элементи учун кўрсатмалар ва тушунтиришлар, яъни машқларни қандай бажариш кераклиги учун йўриқлар берилади. Йўриқли хариталарни ишлаб чиқишнинг мураккаблиги ва қийинлиги ҳам шундан иборат.

Харитадаги кўрсатмалар ва тушунтиришлар аниқ, лўнда, лекин шу билан бирга мазмунан тўлиқ шакллантирилади. Ишлаб чиқариш таълими устаси кўрсатма ва тушунтиришларнинг моҳиятини нафақат билиши ва бажара олиши, балки педагогик

жиҳатдан тўғри, ўқувчиларни қизиқтира оладиган ва аниқ баён эта олиш ҳам зарур.

Ишлаб чиқариш таълими устаси жорий инструктаж вақтида ўқувчи бажараётган машқларида йўриқли хаританинг кўрсатмаларига риоя қилмаслик оқибатида хатоликка йўл қўйганлиги аниқлаганда унга дархол танбеҳ бермасдан, диққат билан йўриқли харитани кўриб чиқишни ва ўз хатосини мустақил равишда тўғрилашга таклиф бериши керак. Агарда ўқувчи қайта-қайта тушунтиришлар учун устага мурожаат қилса ҳам йўриқли харитани диққат билан кўриб чиқишни ва ишларни мустақил бажаришни тавсия қилиш керак.

Йўриқли хариталардан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг бундай усули ўқувчиларда нафақат касбга ўрганишнинг дастлабки даврларида, балки келажакда касбий фаолияти билан шуғулланиши учун корхонанинг технологик ҳужжатлардан фойдаланиш малакаларини ҳам шакллантиради.

Йўриқли-технологик хариталар. Профессional таълим муассасалари ўқув амалиётларида қўлланиладиган яна бир ўқув технологик хариталар тури бу йўриқли-технологик хариталар. Ўқувчилар асосий меҳнат операцияларини ўзлаштирганларидан сўнг, комплекс ишларни бажаришга киришаётган даврда, мураккаб бўлмаган меҳнат операцияларининг технологик кетма-кетлиги, бир-бирига боғлигини тушунтириш ва кўрсатмалар бериш эҳтиёжи борлигида йўриқли-технологик хариталардан фойдаланилади.

Бундай хариталар аслида технологик ҳужжат сифатида ишлаб чиқариш корхоналарида ишлатилади, таълим муассасаларида эса уларни ўқув мақсадлари учун мослаштирилади.

Йўриқли-технологик хариталар, одатда, таълим муассасасининг ўқув амалиётларида ўрганилаётган касб(мутахассислик)га хос бўлган меҳнат техникаси ва иш усулларини янада чуқурроқ ўрганиб, ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилади. Шунинг учун

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИДА АМАЛИЙ КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

У.А.ЎРИНОВ

Бухоро муҳандислик технология институти, педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори, PhD

Аннотация. Ушбу мақолада ишлаб чиқариш таълими, унда қўлланиладиган методлар ва улар орқали кутиладиган натижалар тўғрисида фикр юритилади. Ишлаб чиқариш таълими методи билан назарий таълим методлари ўртасида боғлиқликлар ва ўхшашликлар таҳлили келтирилган. Кўникма ва малака машқлар орқали ҳосил қилиниши изоҳланган. Машғулотлар давомида таълим методларини танлашнинг мезонлари келтирилган.

Калит сўзлар: ишлаб чиқариш таълими, амалий кўникма, меҳнат бозори, таълим олувчи, амалий машғулот, ўқитувчи, метод.

Аннотация. В этой статье рассматриваются производственные тренинги, используемые в них методы и ожидаемые результаты. Дан анализ связей и сходств между методом производственного обучения и методами теоретического обучения. Навыки и компетенции объясняются с помощью упражнений. Отмечено, что физические упражнения являются основой для формирования практических навыков путем многократного повторения движений. Приведены критерии выбора методов обучения в процессе обучения.

Ключевые слова: производственное образование, практические навыки, рынок труда, обучающийся, практическое обучение, учитель, метод.

Annotation. This article discusses production trainings, the methods used in them, and the expected results. The analysis of connections and similarities between the method of industrial training and methods of theoretical training is given. Skills and competencies are explained using exercises. It is noted that physical exercises are the basis for the formation of practical skills through repeated repetition of movements. Criteria for choosing teaching methods in the learning process are given.

Key words: industrial education, practical skills, labor market, student, practical training, teacher, method.

“Ўзбекистон Республикасида касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги қарорида қуйидаги устувор вазифалар келтириб ўтилган:

- меҳнатга лаёқатли аҳолига уларнинг меҳнат фаоллигидан тўла фойдаланиш, ишчи кучи сифатини ошириш, ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни халқаро тажриба асосида касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш учун шароитлар яратиш;

- меҳнат бозори талабларига мос келувчи, лавозимда ўсиш ва рақобатбардошликни таъминловчи касб малакалари ва

кўникмаларини эгаллаш учун миллий малакалар рамкасининг ягона платформасини шакллантириш.

Касбга ўқитишни ташкил этиш ва амалга оширишнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- ўқувчилар билимлари, малакаси ва кўникмаларининг тегишли касбий фаолият (касблар, мутахассисликлар) турлари бўйича белгиланган касб стандартларига мослигини таъминлаш;

- олинган назарий билимларни амалий кўникмалар билан мустаҳкамлаш ҳамда ўқувчиларда тегишли касбий фаолият (касблар) турлари бўйича зарур компетенцияларнинг шаклланишини таъминлаш;

- ўқувчиларнинг билимлар даражаси ва

амалий кўникмаларини баҳолаш.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда ишлаб чиқариш таълимининг ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ишлаб чиқариш таълими орқали талабаларда билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш энг самарали йўл ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш таълимининг асосий мақсади таълим олувчиларда муайян касб, соҳа бўйича амалий кўникмаларни шакллантиришдир. Мазкур таълим турида асосий мақсадга босқичма-босқич эришилади.

Ишлаб чиқариш таълими методи билан назарий таълим методлари ўртасида боғлиқлик, ўхшашлик бор. Ишлаб чиқариш методлари сирасига: меҳнат фаолияти ҳаракатларини кўрсатиш, машқлар, мустақил кузатиш, ёзма инструкция бериш ва фаоллик методлари киради.

Меҳнат фаолияти ҳаракатларини кўрсатиш методи куйидагича амалга оширилади. Бу метод ёрдамида таълим олувчилар меҳнат фаолиятини аниқ ва равшан кўришади, ҳамда иш жараёнида машқлар ўтказиш орқали ўзларининг меҳнат фаолиятлари билан таққослай оладилар. Таълим олувчиларда меҳнат фаолияти тўғрисидаги тўлиқ тушунча бир лаҳзада пайдо бўлади, аввал умумий ҳолда сақланиб қолади, кейин секинлик билан деталлар аниқланади. Таълим олувчилар томонидан кўрсатилаётган нарсаларни ўргана олиш, уларни тўлиқ тушуниш, деталлар ва механизмларни ўрганиш учун етарли вақт ажратилиши керак. Шунинг учун ўқитувчи меҳнат фаолиятини секинлик билан кўрсатиб, деталларни бўлакларга бўлиб, ҳар бири ҳақида алоҳида маълумот бериши керак. Таълим олувчининг диққатини ҳаракатнинг якуний қисмига эмас, балки оралиқдаги ҳаракатларга ҳам жалб қилиш зарур. Таълим олувчилар нафақат тушинишлари, балки шу билан бирга деталларни эса сақлашлари лозим. Бунинг учун ҳаракат турларини такрорлаб туриб, уни қайта-қайта кўрсатиш керак.

Кўникма ва малака машқлар орқали ҳо-

сил қилинади. Машқ бу –ҳаракатларнинг кўп маротаба такрорланишидир. Ишлаб чиқариш таълимида машқлар бир тизимда олиб борилиши зарур. Машқлар тизимида алоқадорлик мавжуд, масалан: ўрганилаётган меҳнат фаолиятини тўғри бажариш, унинг аниқлиги, ишда аниқ бир тезликка эга бўлиш, касбий мустақилликни шакллантириш, меҳнатга бадиий ёндашиш. Машқлар тизимига икки томонлама ёндашиш мумкин.

Биринчидан, дидактик мақсад: касб малакасини шакллантириш бўйича машқлар, бошланғич кўникмаларни шакллантирувчи машқлар ҳисобланади.

Иккинчидан, мазмун: меҳнат ҳаракатларини бажариш, меҳнат операциялари ва меҳнат жараёнларини бошқариш, технологик жараённи бошқариш бўйича машқлар ўтказиш.

Ҳақиқатан ҳам касб маҳоратини эгаллаш орқали янги ўқув ишлаб чиқариш вазифаларини босқичма-босқич бажариш асосида янги мақсадларга ҳам эришиш мумкин. Бу эса – машқ ўтказишнинг муҳим шартидир. Меҳнат усулларини бажариш соҳасидаги машқлар меҳнат ва касб кўникмалари, малакаларни таркиб топтириш ҳамда мустаҳкамлаш мақсадида муайян ҳаракатларни кўп марта такрорлаш билан ажралиб туради.

Машқ методида «машқ» ва «мустақил ишлаш» терминлари кўпинча биргаликда ифодаланади. Мустақил ишлаш ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришдан талабаларнинг машқлар жараёнида ҳосил қилинган касбий кўникма ва малакаларини тўла-тўқис шакллантириш, янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланилади. Дидактик мақсад ишлаб чиқаришдаги касбий мустақилликка эришишга хизмат қилади.

Машқлар ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган масалаларни ечиш учун қўлланилади. Бундай машқлар таълим олувчиларни ишлаб чиқариш жараёнида

содир бўладиган вазиятларга тайёрлайди. Машқларни ўтказиш учун муайян жараён ҳосил қилинади. Масалан, агрегатларни сошлаш, технологик меъёрларнинг бузилиши, иш жойида бузилиш ҳолатларининг содир бўлиши. Бундай жараёнларни ижобий ҳал этиш технологик вазифа сифатида ҳам берилиши мумкин. Таълим олувчи берилган вазифани ўрганиб, унинг нима сабабдан бузилгани, хатоларни тўғрилаши ва ечимини аниқ топиши керак бўлади. Бундай вазифалар таълим олувчиларга икки усулда: савол-жавоблар асосида берилиши мумкин. Биринчи усулдаги машқда аниқ жараённинг муҳокамаси ва технологик жараёнлар моҳияти ўрганилади. Бу каби вазифалар ўқитишнинг бошланғич босқичларида қўлланилади. Таълим олувчилар кўникмаси ошгани сари мустақил ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган жараёнларни ўргатишга эътибор қаратиш лозим.

Таълим олувчиларнинг мустақил кузатуви. Бу метод асосан, таълим олувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими меҳнат корхоналарида, мураккаб жиҳозлар билан ишлаганда қўлланилади. Таълим олувчилар амалий машғулотлар ўқитувчиси раҳбарлигида берилган вазифалар бўйича мустақил кузатувлар ўтказишади. Вазифада мустақил кузатишнинг мақсади белгиланади, уни олиб бориш кетма-кетлиги кўрсатилади.

Ёзма йўриқнома. Бу метод ишлаб чиқаришдаги дарслар учун турли инструкторив ўқув ҳужжатлар, мустақил ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади. Ишлаб чиқариш таълимида йўриқномалар, технологик хариталар, ўқув алгоритми кўп қўлланилади. Ўқув операцияларини ўрганишда инструкторив карталар қўлланилади. Технологик харита комплекс тавсифадаги ишларни бажаришда қўлланилади – техник талаб, ўқув ишлаб чиқариш ишларини ташкил этиш моҳиятини очиб беради.

Инструкторив технологик хариталар эса комплекс ишларнинг бошланғич босқичда қандай бажарилиши юзасидан маълумотлар

беради.

Таълим олувчиларга ўқув алгоритминини ўргатиш – хизмат кўрсатиш, бузилиш ҳолатини бартараф этиш, қийин жиҳозларни бошқариш ишни бажаришда аниқ қоидаларга риоя қилиш каби талабларни ифода этади.

Ёзма йўриқнома ҳужжатлари ҳар бир жойда бўлса меҳнат унумдорлиги ошади.

Ишлаб чиқаришнинг фаоллик методи. Ўқув ишлаб чиқариш ишларида фаоллик, ақлий билим, бадиий фаолликлар саналади. Улар таълим олувчиларнинг мустақил фаолиятида, фаолият турини мустақил ва мақсадни танлашларида ва уларни ижобий натижаларга олиб келиш, меҳнатни режалаштириш, таҳлил ва хатоликларга йўл қўймасликда кўринади. Таълим олувчиларнинг ўқув ишлаб чиқариш таълимидаги фаоллик – машиналар, агрегатларни ишлатишдаги қобилияти, ички жараённи билиш ва қилинган таҳлиллар асосида мақсадли ечимларга келишларидир.

Ишлаб чиқариш таълимидаги фаоллик методига – ишлаб чиқаришда техник масалаларни ечиш киради: ишлов бериш, тузатиш, бошқариш меъёрини ҳисоблаш, автоматлаштирилган жиҳозлар учун бошқарув дастурини ишлаб чиқиш (масалан, сонли дастурли бошқарув станоклари), жадвал, маълумотлар ва диаграммалардан керакли маълумотларни топиш. Ўқув ишлаб чиқариш ишларида машина, қурилма, агрегатларнинг кинетик схемалари ёрдамида меъёрлари, кўрсаткичларини аниқлаш, монтаж тузилмаларини ишлаб чиқиш.

Техник масалаларни ечишнинг юқори даражаси бадиий характердаги масалаларни бажариш ҳисобланади.

Сифатни ошириш ва ишлаб чиқариш меҳнати: ўқув ишлаб чиқариш фаолиятида ўқитувчи ёки мустақил таълим олувчилар тавсия этилган, тайёрлаган бир нечта технологик жараёнлар ичидан энг мукаммалини танлаш, иш вақти сарфи, материаллар ва энергетик тежаш йўлларини ишлаб чиқиш,

кабиларни амалга оширадилар. Шунингдек, ишлаб чиқариш таълимини ўқитиш жараёнида таълим олувчилар маҳсулотга ишлов бериш, тайёрлаш, йиғиш, жиҳозларни текширишни оғзаки ёки ёзиш орқали ўрганишади. Бу эса ўз навбатида, таълим олувчиларда технологик жараён тўғрисида тушунчалар ҳосил қилади.

Таълим олувчилар кўникмаси ошгани сари уларга қийинроқ вазифалар топширилади ҳамда технологик жараён объектлари мунтазам равишда ўзгартириб турилади.

Таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш. Назорат қилишнинг икки тури мавжуд. Биринчидан, таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини доимий кузатиш, иккинчидан, таълим олувчиларнинг билимлари ва малакаларини текшириш.

Назарий таълим жараёнида назорат қилишнинг асосий методлари, таълим олувчиларнинг билимларини оғзаки ҳамда ёзма текшириш, назорат ишлари, техник ҳужжатлар мазмунини муҳокама қилиш. Назарий таълимда таълим олувчиларнинг билимларини амалиётда қўллай олишини назорат қилиш, схемаларни йиғиш, ўлчаш, механизмларни тузатиш, бузилиш сабабларини аниқлаш ва бошқалар. Бу методга яна лаборатория – амалий ишлар орқали текширишни ҳам киритиш мумкин.

Таълим методининг умумий тавсифида кўрсатилганидек, ҳар бир методнинг таълим жараёнида аниқ вазифалари бор. Таълим жараёнида бир неча методлар қўлланилади. Бу методлар бир-бирига боғлиқ бўлиб, ўқитувчи ва таълим олувчи ўртасидаги ўзаро фаолият моҳиятини тавсифлайди. Ўқитиш жараёнида методларнинг ўрни ва вазифалари белгилаб олинганда уларни танлаш осон бўлади.

Методларни танлашда уларнинг мезонларини кўриб чиқиш керак бўлади. Мазкур мезонлардан бири – методларнинг дидактик коидаларга мос келиши шартидир.

Кейинги мезон эса – методлар мазму-

нининг таълим мақсад ва вазифаларини таълим олувчиларни тарбиялаш ва ўстириш билан мослиги учун хизмат қилишидир.

Таълим методларини танлашнинг кейинги мезони – методлар мазмуни таълим мазмунига мос келишидир. Мазмунлардан бири индуктив метод орқали яхши ёритиб берилиши, бошқаси эса – дедуктив метод ёрдамида ёритиб берилиши мумкин. Муайян дарс жараёнида муаммоли изланиш методини қўллаш, бошқа бир дарс жараёни учун тўғри келмаслиги ҳам мумкин. Метод танлашнинг мезонларидан бири ўқув жараёнини ташкил қилиш шакллари, умумий гуруҳ ва якка тартибдаги ишлар учун таълимнинг турли методларидан фойдаланишнинг зарурлигидир. Таълим методини танлашда ўқитувчи ўзи имкониятлари ва педагогик билим даражасига асосланган ҳолда таълим методини танласа, бу орқали юқори даражадаги ўқув тарбия натижаларига эришиши мумкин бўлади.

Ўқув фаолиятини бундай ташкил қилиш учун унинг барча усуллари оғзаки, кўргазмали ва амалий, репродуктив, кидирув, индуктив ҳамда дидуктив, шунингдек, мустақил иш усулларидан фойдаланилади. Таълим жараёнида рағбатлантиришнинг асослаш вазифасини ўтайдиган бу усулларни шартли равишда икки гуруҳга, талабаларнинг билиш иштиёқини уйғотувчи ҳамда таълимда бурч ва масъулият туйғусини шакллантирувчи усуллардан иборат гуруҳга ажратиш мумкин.

Бу жараёнда ўқув фаолияти, унинг мазмуни, шакли ва амалга ошириш усулларига муносабат ижобий ҳиссиётнинг юзага келишини таъминлаши муҳимдир. Руҳий ҳолат, доимо ҳозиржавоблик, ҳамдардлик, кувонч, ғазаб, ҳайратланиш билан ўзаро боғлиқдир. Шунинг учун ҳам диққат, эслаб қолиш, англаш жараёнларига бундай ҳолатда талабанинг чуқур ички кечинмалари қўшиладики, бу жараённи қизгин кечишига кўмаклашади ва мақсадга эришиш анча самарали бўлади.

Таълимни ҳиссий рағбатлантириш

БИОФИЗИКА ФАНИНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИБ ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИ

НУРМАТОВА Ф.Б.

Тошкент давлат стоматология институти Биофизика ва тиббиётда ахборот
технологиялари кафедраси мудири

Аннотация: Мақолада бўлажак шифокорларга мутахассисликларидан келиб чиққан ҳолда биофизика фанини ўқитиш, лаборатория ишлари ва уларнинг турлари, вазиятли масалаларни қўллаш тажрибаси ёритилган.

Калит сўзлар: тиббий таълим, биофизика, ўқитиш методикаси, акустика, лаборатория ишлари.

“Ҳозирги замон тиббиётининг ютуқлари кўп жихатдан физика, техника ва тиббиёт техникасидаги илм-фан муваффақиятларига асослангандир. Касалликларнинг табиати ва соғайиш механизми кўп ҳолларда биофизикавий асосга эга. Шунинг учун тиббиёт институтлари талабалари 1-курсадаёқ тиббий физика, тиббий техника, информатика фанларини эгаллаб, клиник фанларни ўзлаштиришда тиббий биологик масалаларни ечишда физик-математик моделлардан фойдаланишади. Ландаунинг фикрига кўра “Табиий фанларнинг фақат иккитаси мавжуд бўлиб, бири физика, бошқаси эса барча қолганларидир”.

Биофизика мустақил фан сифатида бошқа кўп фанлардан ажралиб чиққан. Булар физиология, биологик кимё, физика ва бошқалардир. Шунинг учун кўп ҳолларда бу фанлар ва биофизика ўртасидаги чегаралар шартлидир. Б.Н.Тарусовнинг таърифига кўра, биофизика бу биологик системалар физикавий кимёси ва кимёвий физикасидир.

Бугунги кунда интеграция одамнинг илмий фикрлаш ва дунёқарашини аниқлайди. Ўқув жараёнига ҳам интеграцияни киритиш муҳим йўналиш бўлиб, долзарб ҳисобланади. Интеграция анъанавий фан билимлари асосида янги тасаввурларни олиш усули бўлиб, янги маълумотларни олиш манбаи ҳисобланади.

Тиббиёт таълим муассасаларида био-

физика фани доирасида қуйидаги бўлимлар ўрганилади:

1. Биологик системалар механикаси.
2. Биореология.
3. Биологик системалар энергетикаси.
4. Биоакустика.
5. Биологик электродинамика.
6. Биологик текширишларда электр технологиялари.
7. Оптика.
8. Атом ва ядро физикаси.

Лаборатория машғулоти назария ва амалиётни боғловчи ва уларнинг бирлигини таъминловчи бўғин бўлиб, талабаларнинг билимларини мустаҳкамлашда, ўлчов асбоблари билан мустақил ишлай олиш ва тажриба ўткази билиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришда, ўлчаш хатоликларини баҳолай билиш каби амалий кўникмаларни ривожлантиришда катта аҳамият касб этади.

Биофизика фанини ўқитишда бир неча таълим шакллари билан фойдаланилади: маъруза, амалий машғулоти, лаборатория машғулоти, мустақил таълим шулар жумласидандир. Бу машғулотлар талабаларда клиник фикрлашни ривожлантиради, янги маълумотларни излашга ўргатади.

Маърузада ўтилган мавзуларни мустаҳкамлашга доир, касбий ва ижодий характерга эга бўлган лаборатория ишлари асосий амалиёт ишлари ҳисобланади ва

маърузанинг йирик мавзулари бўйича гуруҳланади. Масалан:

Лаборатория ишларининг йўналиши	Лаборатория ишларининг мавзулари
Ўлчов асбоблари билан танишиш ва физикавий тажриба ўтказиш техникасини ўрганиш ишлари, ўлчаш хатоликларини аниқлашга доир	1. Хатоликлар назарияси. Тиббий-биологик маълумотларини статистик таҳлил қилиш. 2. Штангенциркульда, микрометрда тарозида ўлчашни ўрганиш.
Касбий ва ижодий характерга эга бўлган лаборатория ишлари	1. Тишнинг зичлигини гидростатик тортиш усулида аниқлаш. 2. Қоннинг (сўлакнинг) ёпишқоқлигини ВК-4 вискозиметрида аниқлаш. 3. Стоматологик материалларнинг эластиклигини аниқлаш. 4. Эшитиш сезгиси характеристикаларини ўрганиш. 5. Н.Коротков усулида қон босимини ўлчаш. 6. Лазер нурланишининг тўлқин узунлигини ва эритроцитларнинг диаметрини дифракцион панжара ёрдамида аниқлаш.

Лаборатория машғулотларини касбга йўналтириб ўқитиш талабаларда бўлажак мутахассисликларига қизиқишни ортттиради, шунингдек талабаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга, биофизика фани бўйича олган билимларини махсус фанларда қўллаш билишга ўргатади.

Биоакустика бўлими мисолида касбга йўналтириб ўқитишни кўриб чиқамиз. Мазкур бўлимда “Товуш. Товушнинг физикавий ва психофизикавий характеристикалари. Эшитиш биофизикаси элементлари. Тиббиётда товушни ўлчашга асосланган усуллар. Доплер эффекти. Ультратовушнинг диагностика ва даволашда қўлланилиши. Стоматологияда қўлланиладиган акустик усуллар” мавзусида 2 соат ҳажмда маъруза

сифатида келтирилган. Амалий машғулот 6 соат ҳажмда “Товушнинг физик характеристикалари. Товушнинг тўлқин узунлиги ва ҳавода тарқалиш тезлигини турғун тўлқин усулида аниқлашни ўрганиш. Клиникада қўлланиладиган товуш текшириш усуллари. Аудиометрия” мавзуларида ўтказилади. Талабаларга товушнинг табиати, физикавий ва психофизикавий характеристикалари тушунтирилади.

Товушнинг физикавий (объектив) характеристикалари	Товушнинг психофизикавий (субъектив, физиологик) характеристикалари
1. Частота	Баландлик
2. Амплитуда ёки интенсивлик	Қаттиқлик
3. Гармоник спектр	Тембр

Товушнинг объектив характеристикаларини ўрганганда талабаларга қуйидаги жадвални тўлдиришни тавсия қилиш мумкин:

Характеристика	Белгиланиши	Таърифи	Формуласи	Ўлчов бирлиги
Тўлқин узунлиги				
Тебраниш частотаси				
Тебраниш даври				
Товуш тезлиги				
Товуш босими				
Товуш интенсивлиги				

Талабаларга вазиятли масалалар берилди.

1. Қуйидаги муҳитлар берилган: сув, водород, вакуум, пўлат, ёғоч, ҳаво. Шу муҳитларни уларда товушнинг тарқалиш тезлигини ортиш тартибида жойлаштиринг. 9 --□

Жавоб: Вакуум; ҳаво; водород; сув; ёғоч; пўлат

2. Тўлқин узунлиги $\lambda=50$ м бўлган тўлқинга сизнинг организмнинг қандай реакция кўрсатади?

Ечиш: $\vartheta=\lambda\nu$, бундан $\nu=\vartheta/\lambda$ $\nu=331,5$ м/с / 50 м = 6 с⁻¹ = 6 Гц

Жавоб: Бу тўлқин инфратовушга мансуб, уни инсон кулоғи қабул қила олмайди.

3. Одамнинг мушак тўқимасининг тўлқин қаршилиги $1,63 \cdot 10^6$ Па*с/м. Агар мушак тўқимасининг зичлиги 1060 кг/м³ бўлса, унда ультратовушнинг тарқалиш тезлигини топинг.

4. Тана юзасини тукиллашиб кўриш ва унда ҳосил бўлган товушларни таҳлил қилиш клиник метод – перкуссия қандай клиник ҳодисаларга асосланган?

“Товуш, уни тиббиётда қўлланилиши” мавзусининг муҳим жиҳати тиббиётда товуш текшириш усуллари қўлланилиши ҳисобланади. Амалий машғулот дарсларида қуйидаги схемани таҳлил қилиш биофизика ва тиббиётнинг боғлиқлигини яққол намоён қилади. Диагностик усулларда физикавий қонуниятлар ва тамойилларнинг қўллани-

лиши тушунтирилади.

Мустақил таълимда талаба “Шовқин ва унинг организмга таъсири”, “Муסיқатерапия” мавзуларини ўрганиш тавсия қилинади.

Семестр сўнгида талабалар орасида сўровнома ўтказилди. Сўровномада 45 та талаба иштирок этди. Улардан қуйидаги саволларга жавоб бериш сўралди:

- Сизга Биофизика фани ёқадими?
Ҳа – 80%, унчалик эмас – 15.6%, йўқ – 4.4%;
 - Биофизика дарсларида энг қизиқарлиси нима?
11.1% - Ўқитувчининг тушинтиришларини эшитиш
64.4% - Лаборатория ишларини бажариш
8.9% - ўқитувчининг саволларига жавоб бериш
15.6% - масалалар ечиш
 - Биофизикага қизиқишни ривожлантириш учун нима қилиш керак?
27.9% - яхши мотивация бериш
32.6% - лаборатория ишларини касбга йўналтириш
30.2% - мутахассисликка йўналтирилган масалалар ечиш
9.3% - факультатив тўғарак ташкил этиш
- Сўровнома натижасини таҳлили шуни кўрсатяптики, аксарият талабаларда

ТЕХНИКА ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДА ЯНГИ АВЛОД ДАРСЛИКЛАРИНИ ЯРАТИШДА “CASE-STUDY” ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ЎРНИ

А.НАБИЕВ -

ТКТИ, проф., в.б.

Ш.ҲАЙДАРОВА -

ТКТИ, катта ўқитувчи

Б.Каримов

ТошДТУ, катта ўқитувчи

Аннотация. Мақолада “Case-study” услубининг замонавий техникавий таълимдаги асосий фарқланувчи ва афзаллик жиҳатлари таҳлил этилиши баробарида, улардан бевосита “Техник механика” ва “Материаллар қаршилиги” фанлари мисолида янги авлод ўқув адабиётларини яратишда фойдаланиш мумкинлиги илмий асосланган.

Калит сўзлар: таълим технологияси, муаммоли вазиятлар, дидактика, моделлаштириш, компетентлик.

Аннотация. В статье научно обосновано особенности и преимущества методики технологии “Case-study” в технической образования и их применение при создании учебников нового поколения в примере “Технической механики” и “Сопротивление материалов”.

Ключевые слова: образовательные технология, проблемное образование, дидактика, моделирование, компетентность.

Annotation. The article scientifically substantiates the features and advantages of the “Case-study” technology methodology in technological education and their application when creating new generation textbooks in the example of “Technical Mechanics” and “Resistance of Materials”.

Key words: education technology, problem education, didactics, modelling, competence.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1761-сонли қарорида “...таълим жараёнида илғор педагогик услуб ва технологиялари (“Case stude” услуби, лойиҳалар услуби, ҳамкорликда ўқитиш, “амалий ўйин”, интерфаол таълим услуби ва бошқалар), ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа такдимотларидан фойдаланиш борасида чет эл тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш...” –долзарблиги бўйича устувор вазифалар белгиланиши шу кунларда назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган касбий-техникавий таълим тизимига ўтишда дастлабки так-

тик-стратегик қадамлар ҳисобланади [1].

Дарвоқе, “Case stude” (рус тилида case–муаммоли, аниқ ёки сунъий, моделлаштирилган вазиятлар, study–таълим, ўрганмоқ деган маъноларни англатади) услуби ўзининг тарихи, мазмун-моҳияти, таълим технологияларини намоён қила олиши, афзаллиги кабиларга кўра таълимни информацион ва коммуникацион технологиялар методологияси билан таъминлашда муносиб ўрнига эга. Айниқса, бу услуб ишлаб чиқаришдаги масала-муаммоларини¹, аниқ вазият ёки ҳолатларни машғулотларда таҳлилий ўрганишни реал воқеликка боғлай олади [2].

“Case-study” илк маротаба Гарвард университетининг ҳуқуқ мактабида 1870 йилда қўлланилган, 1910 йилда эса ундан Америка кўшма штатларининг Гарвард университети Бизнес-мактаби профессори Копленд юристлар амалиётига оид ҳаётий муаммоли

¹ Кўпинча муҳандислик амалиёти муаммоларига дахлдорлик тушунилади.

вазиятларни бирини таҳлил этишда “Талабалар мулоқати” доирасида фойдаланилган. Шунингдек, мазкур таълим муассасасида 1921 йилда биринчи “Case-study” тўплами чоп этилган.

Муаллиф инновацион таълим технологиясининг яхлит тизимини тавсифловчи мантикий-тузилмани шакллантиришда ҳамда “Техник механика” ва “Материаллар қаршилиги” фанларидан янги авлод ўқув адабиётларини яратишда “Case-study” услубининг ўзида “Муаммоли вазиятлар таҳлили”, “Муаммоли вазиятлар ҳосил қилувчи машқ-масалалар”, “Мулоқат ёки баҳс-мунозара”, “Ишбилармонликда алоқавий ёзишмаларни тушуниб англаш”, “Ўйинли лойиҳалаштиришлар”, “Муаммоли вазиятларни ролли ўйинларда моделлаштириш ёки мулоқат қилиш” сингари таълим технология-

ларини ўзида мужассамлаштишини инобатга олган [3].

Таъкидлаш жоизки, мазкур мантикий-тузилма мазмун-моҳиятига кўра биринчидан, ўқитишнинг авторитар ва шахсга йўналтирилган технологияларини алоҳида-алоҳида, иккинчидан анъанавий дарс ўтиш моделини сақлаб қолган ҳолда уни замонавийлаштириш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, учинчидан эса кези келганда иккала таълим методларини уйғунлаштириш тамойилига таянган ҳолда таълим-тарбия жараёнларини амалга оширишга қаратилгандир.

Келтирилган барча тамойиллар низоли вазиятларни ҳал этишда раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантириш самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шарти сифатида намоён бўлади.

1-жадвал. “Case-study” услубининг асосий фарқланувчи жиҳатлари

№	Фарқловчи кўрсаткичлар	Таълим методлари талаблари	
		анъанавий ¹	“case stude” услуби
1	Таълим берувчининг асосий вазифалари	Ўз фани доирасида таълим мазмунини пухта эгаллаш	Ўз фани доирасида таълим мазмунини пухта эгаллаш билан бир қаторда таълим шаклини ² билиши, “таҳлилий муҳокама” жараёнида эса ташкилотчи, моделлаштирувчи, мувофиқлаштирувчи, муносиб бошқара олувчи
2	Таълим мақсадининг белгиланиши	Билим (кўпроқ) назарий	Эркин фикрлаш, муаммоларни ҳал этиш кўникмалари ва ҳамкорлик (“командада ишлаш иштиёқи”), ихтирочилик (“кашфиётларга интилиш”) сингари бўйича шахсий сифатлари шакллана боришади
3	“Таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ўзаро муносабати	“педагог-субъект ва талаба – объект”да “гегемон”лик, иэрархия хукуklarининг тенгмаслиги	Ҳамкорлик ва шериклик фаолиятларида “таълим берувчи-таълим олувчи” диалогидан воз кечилиб, “таълим берувчи-гуруҳ-таълим олувчи” кўринишидаги уч томонлама ўзаро манфаатли муносабатларга ўтилади
4	Таълим жараёнида таълим олувчининг иштироқи	Мотивация суст	Таълим олувчиларнинг ўзаро фикр алмашиш доирасида мулоқотлар қилишлари, шунингдек мустақил таълим доирасида ҳамкорликда фаолият юритишлари, ўзаро боғлиқ муносабатларда масъулиятни ҳис этишлари баробарида мотивация кучаяди
5	Кафолатли натижалар	Тўлақонли эришилмайди	Ўзлаштириш юқори босқичга кўтарилади, хатто фаол иштирокчилар педагогнинг вазифаси ҳисобланувчи муҳокама режасини тузиш баробарида таълим мақсадини белгилаш, таълим технологияларини қўллай олиш, натижаларни мустақил муҳокама қилиш сингари ижобий сифатларни намоён қилишга кодир бўладилар

1 Бу ерда кўпроқ маъруза дарси кўзда тутилмоқда

2 Бу ерда назарийлашган билим ва амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган касбий-техникавий таълим уйғунлашувчи кўзда тутилмоқда.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БУЛУТЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН АХБОРОТ ТАЪЛИМ МУҲИТИНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ

М. М. УСАНОВ - Жиззах политехника институти таянч докторанти
Б. Б. АДИЛОВ - Жиззах политехника институти стажёр тадқиқотчиси.

Аннотация: Мазкур мақолада олий таълим муассасаларида электрон ахборот таълим муҳитини шакллантиришда булутли ҳисоблаш сервисларининг имкониятларидан фойдаланиш масаласи ёритилган.

Аннотация: В данной статье рассматривается вопрос использования возможностей облачных вычислительных сервисов при формировании электронной информационной образовательной среды в высших образовательных учреждениях.

Annotation: This paper addresses the issue of using the capabilities of cloud computing services in the formation of an electronic information learning environment in higher education institutions.

Калит сўзлар: виртуал таълим макони, булутли ҳисоблаш, булутли технология, булутли хизматлар.

Ключевые слова: виртуальное образовательное пространство, облачные вычисления, облачные технологии, облачные сервисы.

Keywords: virtual learning space, cloud computing, cloud technology, cloud services.

Key words: distance learning, distance education, tutor, chat sessions, web classes, newsgroups, video conferencing, video lectures.

Ҳозирги вақтда жамиятда ахборотлаштиришни фаол ривожлантириш жараёни кузатилмоқда, бу биринчи навбатда таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этилиши билан тавсифланади. Давлат таълим стандартларининг янги авлодига мувофиқ, замонавий инсоннинг муваффақияти билимга ва янги технологиялардан, шу жумладан, Интернетдан фаол фойдаланишга йўналтирилганлигини аниқлайди.

Ушбу жараёнлар таълим фаолиятининг замонавий турларини шакллантириш ва ривожлантириш учун янги илмий-техник асосни яратди, Интернетда ишлайдиган виртуал ўқув муассасаларининг пайдо бўлишига олиб келди. Виртуал таълим маконини яратиш педагогиканинг долзарб масалаларидан бири, яъни ўқув жараёнини ташкил этишнинг самарали шакллари ишлаб чиқиш муаммосини ҳал қилишдир.

Таълимни ахборотлаштириш асосий

йўналишларига моддий-техник жиҳозлар, ахборот-коммуникация технологиялари воситалари орқали таълим муассасаси фаолиятини ва таълим жараёнини бошқариш, масофавий таълимни ривожлантириш, таълим ва тарбия услубларини янгилаш кирди. Ушбу жараёнларни амалга ошириш учун ҳар бир таълим муассасасида миллий ва жаҳон таълим тизимини ривожлантиришнинг мақсадлари ва замонавий тенденцияларига йўналтирилган ахборот-таълим муҳити яратилмоқда.

Ахборот-таълим муҳитини яратиш учун таълим муассасалари кўпинча Moodle [1], eLearning 4G [2] каби дастурий-аппарат мажмуалардан (LMS) фойдаланадилар. Аммо, бундай тизимлар ёрдамида олий таълим муассасаларида ахборот-таълим муҳитини ташкил этишда қуйидаги бир қатор камчиликлар ва чекловлар мавжуд:

улар LMS воситалари ва хизматлари мажмуи билан чекланган, қоидага кўра, кен-

гайтириш имкониятига эмас, LMS ўқув топшириқларини бажариш учун дастурий таъминот воситалари ва иловаларни ўз ичига олмайди, унда тезкор файл алмашиш ва сақлаш, янгиликлар рўйхати ва қайта алоқа ташкил этиш воситалари мавжуд;

хужжатларни нашр қилиш ҳуқуқига фақат ўқитувчи эга;

талабаларнинг хужжат устида биргалликда ишлашлари, лойиҳани бажаришлари ёки бир-бирларини муҳокама қилишлари кўзда тутилмаган; курс якунида талаба курс маълумотларидан фойдалана олмайди, олий таълим муасасасида ўқишни якунлаганидан кейин эса барча ўқув материаллари талаба учун ёпилади; LMS воситалари ва интерфейси мобил таълимда фойдаланиш учун мўлжалланмаган” [3].

Юқорида қайд этилган камчиликлар ҳамда ҳисоблаш ва ахборот ресурслари фойдаланувчисига интернет хизмати сифатида тақдим этиладиган тақсимланган маълумотларни қайта ишлаш технологиялари деб аталадиган булутли технологияларнинг ривожланиши булутли ахборот-таълим муҳитининг пайдо бўлишига олиб келди. Таълим жараёнида булутли технологиялардан фойдаланиш эса қуйидаги бир қатор афзалликларга эга [4];

иктисодий: кўплаб таълим муассасалари учун асосий афзаллик тежамлилик ҳисобланади. Бу айниқса, электрон почта каби хизматлар ташқи провайдерлар томонидан бепул тақдим этилганда яққол намоён бўлади. Ушбу хизматлар учун мўлжалланган ускуналар бошқа мақсадлар учун фойдаланилиши мумкин;

техник: аппарат таъминотига минимал талаблар (мажбурий шароит бўлиб Интернет тармоғига кириш ҳисобланади);

технологик: энг юқори даражадаги булутли хизматлар фойдаланиш нуқтаи назаридан жуда содда ёки минимал қўл-

лаб-қувватлашни талаб қилади;

дидактик: ўқитувчилар ва талабалар учун хавфсиз алоқа ва ҳамкорлик имкониятларини таъминлайдиган кенг қўламли онлайн воситалар ва хизматлар ” [4].

Аппаратли LMS билан таққослаганда булутли ахборот-таълим муҳитидан фойдаланишнинг асосий афзалликлари сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин [3]:

булутли ахборот-таълим муҳити фанлар ва ўқитиш методикасининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчи томонидан ташкиллаштирилади ва назорат қилиб борилади, бунда ускуналар ва технологик хизматлар учун молиявий харажатлар талаб қилинмайди; булутли ахборот-таълим муҳити ахборотни қайта ишлаш учун булутга асосланган иловалардан фойдаланишга имкон беради, яъни топшириқларни бажариш учун зарур бўлган таълимий ахборотлар ва воситаларни сақлашни бирлаштиради, яъни LMS дан фарқли ўлароқ таълим муҳитининг барча функциялари амалга оширилади; дастурий таъминотни сотиб олиш ва янгилаш учун ҳеч қандай харажатлар талаб қилинмайди, фойдаланувчилар эса ҳар доим иловаларнинг сўнгги версиялари билан ишлаш имкониятига эга; булутли ахборот-таълим муҳити ўқув фаолиятининг жамоавий шаклларини амалга ошириш имконини беради;

булутли ахборот-таълим муҳитида таълим муассасасининг компьютерларига "боғлаш" талаб қилинмайди, яъни турли жойлардан ва турли хил фойдаланувчилар томонидан қурилмаларидан кириш имконияти мавжуд; таълимнинг барча шаклларидаги (кундузги, сиртқи ёки кечки таълим) талабалар билан ишлашда бир хил курс маълумотлари бериб борилади; таълим мазмунини тақдим этиш учун тегишли форматларни танлашда мобил

таълим; булутли ахборот-таълим муҳити асосида курилиши мумкин.

Булутли технологияларга асосланган ахборот-таълим муҳитини куриш Microsoft ва Google ларнинг Office 365 ҳамда G Suite for Education лардан фойдаланган ҳолда бепул амалга оширилиши мумкин.

Таълим учун Microsoft Office 365 [5] – “бу таълим лойиҳалари устида биргаликда ишлаш учун тақдим этиладиган хизматлар тўпламидир. Таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва талабаларига бепул таклиф этилади [6].

Таълим учун Microsoft Office 365 нинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд [7]: Word, PowerPoint, Excel, OneNote и Outlook ларнинг веб версиялари; OneNote нинг классик версияси; машғулотлар ва ўқитувчилар учун OneNote нинг қайдлар дафтарлари; профессионал ҳамжамият гуруҳлари; Forms да автоматик баҳолаш тестлари; Sway ёрдамида рақамли шаклда сюжетлар яратиш; электрон почта билан ишлаш учун Outlook нинг олдинги версиялари билан ишлай оладиган ҳамда 50 ГБ ҳажмли почта қутиси; чексиз ҳажмли маълумотларни сақлаш учун OneDrive; юқори аниқликдаги видео конференциялар ташкил этиш имконияти; таълим муассасаси самарали фаолият юритиши учун суҳбатлар, контент ва иловаларни бирлаштирадиган электрон марказ Microsoft Teams; ташкилотларда видеороликларни яратиш, бошқариш ва алмашиш учун корпоратив видео хизмати; дастурий код ёзмасдан бизнес маълумотларни бошқариш учун мўлжалланган веб иловалар ҳамда мобил иловаларни яратиш имконияти; дастурий код ёзмасдан иловалар ва хизматларда иш жараёнларини автоматлаштириш; SharePoint сайтлар гуруҳларида маълумот алмашиш; электрон почта маълумотларини архивлаш билан чексиз маълумотлар

сақлаш; ягона электрон маълумотларни сақлаш маркази сифатида фойдаланиш имконияти; фойдаланувчилар ҳуқуқларини бошқариш, маълумотлар ҳимояси ва шифрлаш; чексиз фойдаланувчилар сони.

Google G Suite for Education – “корпоратив электрон почта, фойдаланиш учун умумий бўлган календарлар, интернетда сақланувчи ва биргаликда тахрирлаш имкониятини берувчи ҳужжатлар, видео конференция воситалари ва бошқаларни ўз ичига олган ҳамкорликда ишлашни таъминловчи иловалари тўплами” [8].

Ушбу маҳсулотнинг асосий хизматлари ва вазифалари қуйидагилардан иборат [9]: маълумотларни алмашиш: Gmail, Календар, Контактлар; маълумотларни сақлаш ва ҳамкорликда ишлаш: Диск, ҳужжатлар, Hangouts; Веб-форумлар ва умумий почта қутилари: бизнес учун гуруҳлар; бир домен ичида электрон почтадаги ҳамда ҳужжатлардаги маълумотларни кидириш; Google нинг қолган хизматлари: Blogger, YouTube ва бошқалар.

Бундан ташқари, Google бепул Google Classroom хизматини тақдим этади [10], бунда ўқув курсларни яратиш ва ўқув жараёнини бошқариш имконияти мавжуд. Хизмат таълим жараёнини ташкил этиш ва талабалар билан мулоқотни соддалаштиради ҳамда мобил қурилмалар орқали тақдим этилади. Google Classroom афзалликлари сифатида қуйидагилар қайд этилган [11]: содда ўрнатиш имконияти. Ўқитувчилар курсга талабаларни ўзлари қўшишлари ёки уларга кириш кодини юборишлари мумкин. Курсни яратиш учун бир неча дақиқа етарли; вақтни тежаш. Электрон хизматда вазифаларни яратиш, текшириш ва баҳолаш қоғоздагига қараганда тезроқ ва қулайроқ; қулай ташкиллаштириш. Вазифалар талабалар учун бир хил бўлимлар учун яратиб борилади, курс материаллари (ҳужжатлар, фотосуръатлар ва видеолар)

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ПРИМЕНЕНИЯ КОМПЬЮТЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СИСТЕМЕ НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

АБДУГАНИЕВА ШАХИСТА ХОДЖИЕВНА

Старший преподаватель Ташкентского государственного стоматологического института

Аннотация. Мазкур мақолада узлуксиз таълим тизимида компьютер ва умуман, ахборот технологияларининг қўлланилиши, уларнинг ўрни ёритилган.

Таянч сўзлар: ахборот технологиялари, таълим соҳаси, таълим услублари, 3D визуализация, моделлаштириш, статик ва динамик тренажерлар.

Annotation. This article examines the role and application of computer and information technologies in the system of continuing education.

Key words: Information technology, education, methods of education, 3D visualization, modeling, statistical and dynamic simulators.

Аннотация. В данной статье рассматривается роль и применение компьютерных и информационных технологий в системе непрерывного образования.

Ключевые слова: информационные технологии, сфера образования, методы образования, 3D визуализация, моделирование, статистические и динамические тренажёры.

Развитие информационных технологий показывает, насколько мы тесно связываем свою жизнь с новейшими технологиями, как мы стремимся достигать вершины новых открытий и применять их в обыденной жизни. Во всех сферах сегодня человеческий труд облегчен за счет автоматизации. Сегодняшняя молодежь, владея навыками пользования компьютерных и коммуникационных технологий, достигает новых успехов, делает новые открытия. Нужно отдать должное тому, что в процессе непрерывного образования целесообразно изучение применений новейших технологий в ногу со временем. Ознакамливаясь с историей развития сферы, усваивая её теоретические основы, будущий специалист должен владеть навыками пользования современными телекоммуникационными средствами. В процессе образования студент должен ощутить себя частью (причем, основной) данного. Не ощутив потребность в изучении проблемы, он не может достичь намеченной цели. Поэтому, каждый педагог, видя в каждом студенте будущий потенциал должен пробудить в нем интерес к выбранной профессии и изучае-

мой проблеме, шире распознать его. В этом ему поможет его профессионализм и глубокое знание своего предмета. Преподаватель, обучающий применению компьютерных технологий в различных отраслях, помимо знания теоретических и практических основ своего предмета, должен быть хорошо осведомлен последними достижениями обеих наук. Хорошо владеть педагогическими проектами и технологиями, используемыми во время обучения. Различные педагогические проекты могут быть реализованы с помощью компьютеров, поддерживая любой из видов обучения. Это считается ценным для реализации знаний в практике.

Компьютеры могут быть применены для поддержания различных методов обучения. Это - получение первых теоретических знаний, введение в практику, получения первичных знаний по выбранной профессии; дидактическое обучение на занятиях; разведочные работы по структурированию взаимодействий; проблемно ориентированное обучение; обучение через дизайн; моделирование; интеллектуальное репетиторство системы, наставничество,

обратная связь и руководство.

Компьютеры широко применяются в введении в практику. Они стали доступны для учения, оценки знаний материалов учениками и студентами. Наиболее эффективное применение компьютерных технологий позволяет ученику самостоятельно обучаться и проверять свои знания, что намного упрощает труд педагога и экономит его время. А, это в свою очередь позволит педагогу сосредоточить свое внимание на преподавании более сложных материалов.

Также, компьютеры широко применяются для обеспечения дидактического материала с преимуществом удаления временных и пространственных ограничений. Преподаватель может записать свою электронную видео лекцию, что даёт ученику освоить данный материал в удобное ему время, неудобство заключается в том, что он не может получить ответ лектора на появившийся вопрос во время просмотра. То есть отсутствие общения в режиме реального времени.

Как показала практика сегодняшнего дня электронное образование, применение компьютерных технологий, умение правильно применять прикладные и специальные программы, открывает широкие возможности в освоении предметов как школьных, так и высших учебных заведений. Так как пользователем данных программ могут быть люди разных возрастов, в дальнейшем мы назовем их слушателями. Учебные программы различаются друг от друга. Применение специальных компьютерных программ в образовании даст возможность слушателю разведать изучаемую область, экспериментировать без руководства или вмешательства преподавателя. Являясь, преподавателем медицинского вуза хотела бы раскрыть вопрос со своей точки зрения. Если взять медицину, естественно ученики медицинских колледжей и студенты медицинских вузов сегодня широко применяют компьютерные технологии в познании спец

предметов. Например, при изучении нейроанатомии серия фиксированных изображений и уроков по теме позволяет слушателю выбрать структуру мозга, кишечного тракта и т.д. Это имеет свои преимущества, так как, передвигаясь от одного изображения к другому, наблюдая и изучая расположение и размер структурных изменений. Данный подход имеет свои преимущества и недостатки. Преимущества состоят в том, что программа дает возможность выбора любых действий для самостоятельного изучения выбранной области. Но, с другой стороны программа ограничивает его и не позволяет слушателю выходить за пределы дозволенного. Примером может служить атлас зуба, используемый в стоматологии. Изучение трёхмерной структуры зуба имеет значение для клинической стоматологии. Ключевой целью данной программы является помощь слушателю в комплексном изучении внешней и внутренней анатомии различных зубов в трёхмерном измерении. 3D визуализация с высокой разрешимостью компьютерной томографии помогает лучше изучить и понять строение зуба. [1]

Один из современных методов обучения – это проблемно-ориентированное обучение. В данном виде обучения компьютер применяется для представления проблемы в презентации, который может состоять из текста, текста и графики, интерактивного фильма представленного в трёхмерном изображении. В качестве альтернативы студенту может понадобиться дополнительное обследование пациента, определить проблему, найти дополнительные вспомогательные ресурсы в виде учебных ресурсов или доступных диагностических результатов и лабораторных тестов. Сценарий развивается поэтапно, при изучении поставленной проблемы и слушатель развивая мысль и знания, по построенной цепочке приходит к решению проблемы. Нужно отметить что, каждый модуль начинается с краткого клинического описания болезни, затем об-

суждаются физиологические основы клинической картины. Ответы студентов оцениваются на основе обратной связи. Это облегчает диагностику и рационализирует управление. Сценарий о виртуальном пациенте может провести слушателя через этапы диагностики, испытаний и курс лечения. Такой подход обычно используется в компьютеризированных тестировании клинических знаний, где оценка деятельности обучаемого будет крайне сложно, если взаимодействия были полностью неограниченными. Способность компьютера для отслеживания и хранения действия обучаемого позволяет постобработки и анализ отслеживаемых данных. Интересной аналитической возможностью является та, которая сравнивает производительность начинающих слушателей и экспертов по обнаружению особенности, которые определяют экспертный сбор информации или последовательности действий.

Проанализировав, сравнение сбора информации и вывода систем новичков и экспертов, были сделаны следующие выводы: с использованием искусственных нейронных сетей по производительности данных удалось обнаружить последовательные различия в подходе к решению проблемы новичков в сравнении с экспертами. В частности, у новичков значительно больше поиска и отсутствие признания соответствующей информации, в то время как эксперты сходятся быстро на общий набор информационных элементов.

В процессе обучения путем проектирования, студенту требуется построить что-то. Данный процесс само по себе для студента является новым по содержанию. При создании студентами веб-сайтов, игр, моделирования виртуального пациента и других конструкций, студент получаемый дизайн принимает как средство обучение. Недостатком данного метода является то, что в нем отсутствует педагогическое понимание, и оно является основной причиной редкого

использования данного метода.

Многие передовые обучающие программы используют моделирование. Обучение происходит наиболее эффективно, когда слушатель занимается и активно участвует в процессе принятия решений. Использование смоделированного пациента, представленный компьютером может приблизить опыт ухода за пациентами реального мира и концентрирует внимание обучающегося на представленном предмете бытия.

Программы моделирования, применяемые в медицинском образовании, могут быть статические или динамические.

Статистическая имитационная модель представляет собой модель пациента, который представляет собой определенную проблему с набором характеристик. Студент, работающий с данной программой, может в любой момент прервать сбор информации и обратиться к компьютеру-консультанту, для получения существующий информации (собранный до сего времени).

Динамические программы моделирования, в отличие от этого, имитируют изменения в состоянии пациента в течение времени. Клинические проявления динамического моделирования могут быть запрограммированы, чтобы развивать знания слушателя и выработать навыки при работе с ними. Эти программы помогут слушателям понять отношения между действием (или бездействием) и пациентами. Чтобы смоделировать реакцию пациента на вмешательство, программы могут явно моделировать основные физиологические процессы.

Широкое распространение и использование компьютерных технологий при поддержке медицинского обучения является очевидным. Основные научные программы в медицинских учебных заведениях были одними из первых в их реализации поддерживающих обучение технологий. Визуально богатых содержанием в анатомии, нейроанатомии и патологии были гораздо более доступными на компьютерах чем

ҚАЛАМДА ТАСВИРЛАШ МАҲОРАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ БЎЛАЖАК ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИСИНИ КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШ

БАЙМЕТОВ БОТИР БОЛТАБОЕВИЧ

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, “Тасвирий санъат” кафедраси профессори

Аннотация: Мақола олий таълимда тасвирий санъат соҳасида юқори малакали педагог кадрлар тайёрлашда қаламтасвирда тасвирлаш техникаси ва маҳоратларини шакллантиришга қаратилган. Шунингдек, унда қадимги уста рассомларнинг машҳур санъат асарларига қараб нусха олиш орқали малакаларини такомиллаштириш ҳақида сўз боради.

Аннотация: Статья направлена на подготовку высококвалифицированных учителей изобразительного искусства в высших учебных заведениях и формирования у них приемов и навыков техники рисунка. В нем также подробно рассказывается приему копирования из известных произведений старых мастеров-художников изобразительного искусства.

Resume: The article is aimed at training highly qualified teachers of fine art in higher educational institutions and the formation of techniques and drawing technique skills. It also details the reception of copying from famous works of old masters and artists of fine art.

Калит сўзлар: Тасвирий санъат, методика, тасвирлаш техникаси, техник маҳорат, академик вазифа, композиция, чизик, конструкция.

Ключевые слова: Изобразительное искусство, методика, техника изображения, академическое задание, композиция, линия, конструкция.

Keywords: Fine art, technique, image technique, academic assignment, composition, line, construction.

Сўнгги йилларда республикамизнинг барча соҳалардаги ўзгаришлар ОТМлар зиммасига ҳам янгиланаётган таълим тизимига малакали кадрларни тайёрлаш вазифасини қўймоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да олий таълим тизимида таълим сифатини таъминлаш соҳасида мавжуд кўйидаги муаммолар санаб ўтилган: амалдаги малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари мазмун жиҳатидан битирувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилмаган; олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари билан ўзаро ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш бўйича ишлар самарали йўлга қўйилмаган, иш берувчиларнинг олий таълим мазмунини шакллантиришдаги иштироки етарли эмас; талабаларда танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмалари

шакллантирилмаган; ишлаб чиқариш корхоналарида амалий машғулотлар самарали ташкил этилмаган, тайёрланаётган мутахассислар малакавий даражаси меҳнат бозорининг замонавий талабларига етарлича жавоб бермайди [1]. Юқоридаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган тасвирий санъат соҳасида тахсил олаётган бўлажак мутахассис педагог кадрлар тайёрлаш сифатини такомиллаштиришдир.

Маълумки, тасвирий санъатнинг назарий асосларини пухта эгаллаш талабага табиатдаги барча шакллар тузилиши ҳақидаги қонуниятларни тўғри кўриш ва тушунишга, кўрганини маҳорат билан тўғри тасвирлашга ёрдам беради ҳамда келажакдаги педагогик фаолиятига пухта тайёрлайди. Аммо келгусида маҳоратли рассом-педагог бўлиш учун булар ҳали етарли эмас. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, талаба натурадан расм чизишнинг асосий назарий қонун-қоидаларини яхши тушуниб эслаб

колсада, лекин олган назарий ва амалий билимларини амалда қўллаш олмаслик ҳоллари учраб туради. Шунинг учун у назарий билимлардан ташқари тасвирий санъатда тасвирлай олиш ижро ва техник маҳоратга ҳам эга бўлиши керак. Техник кўникмалар рассомга худди умумтаълим мактабига борган ёш боланинг хуснихат ёзишда ҳарфларни билиши керак бўлгани каби муҳимдир [2].

Техник маҳоратларни эркин ва моҳирлик билан эгаллаш талабанинг ижодга тўла берилишини, ижодий қобилиятларни амалга оширишни ва юқори малакали рассом-педагог бўлиш имконини беради. Тасвирлаш маҳорати ва техникасини етарли даражада эгаллаш олмаган талаба амалий иши жараёнида ўзини эркин ҳис эта олмайди ва натижада ўз фикри, ҳиссиётларини тўла ифода этиб бера олмайди. Қадимда рассомлар ўз ўқувчилари билан биринчи бор танишишда шогирдларига вазифа сифатида уста рассомлар намуналаридан нусха чизишни вазифа сифатида берганлар ва унда асосий эътибор тасвирлаш техникасига қаратилган. Буларни Жулен, А.Т.Скино, В.В.Пукирев, А.К.Саврасов қўлланмаларида кўриш мумкин. Шунингдек, бундай ажойиб тарзда ишланган санъат асарларини биз Шарқнинг буюк мусаввири Камолиддин Бехзоднинг Хуросон подшоси Султон Хусайн Бойқаро портретининг оддий чизиклар техникаси орқали нақадар тугал ва нафис тарзда яратилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Асар қаҳрамонининг портрети тана қисм билан ажойиб гармоник тарзда тузилган бўлиб, у шарқона чўкка тушиб ўтирибди. Унинг нақшинкор шоҳона либоси ўсимликсимон нақшлар билан безатилган. Бу эса устоз Камолиддин Бехзоднинг тасвирий ва амалий безак санъатида юқори даражадаги мусаввир бўлганлигидан далолат беради. Асарда Европа мактабларида ўргатилажак перспектива қонуни, ёруғ-соя муносабатлари каби реалистик санъат талабларига риоя

қилинмаган бўлсада, оддий локал чизиклар орқали қаҳрамоннинг баланд бўйли, қадди-қомати келишган, нозик дидли гўзалликни ҳуш кўрадиган киёфада тасвирланганини кўрамиз. Бу эса шарқнинг бетакрор мусаввири Камолиддин Бехзоднинг тасвирий санъатда юқори техника ва маҳоратга эга бўлганлигидан далолат беради [2].

Академик машғулотларда ёш педагог-рассомнинг ижодий фаолиятини ривожлантириш усулларида бири, етук рассомлар маҳоратини ва ижодий жараёнини ўрганиш машғулотларига эътибор қаратиш ҳисобланади. Талабага таниқли ўзбек рассомлардан Ў.Тансиқбоев, Р.Ахмедов, М.Набиев, Ғ.Абдурахмонов, З.Иноғомов, А.Мирзаев, Б.Жалолов, Ж.Умарбеков, Р.Худойбергандов, А.Нуриддинов ва бошқалар, чет эллик рассомлар: Леонардо да Винчи, Салвадор Дали, Анри Матисс, Пол Гоген, Клод Моне, Пабло Пикассо, Пол Сезанн, В.Суриков, К.Брюллов, А.Иванов, В.Шишкин ва бошқаларнинг тасвирлашда қандай юқори техник маҳоратга эга бўлганликларини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

Шунинг учун педагог аудиторияда бажариладиган академик вазифалардан ташқари уйга вазифа сифатида буюк рассомлар ишлаган намунавий асарларидан нусха олиш учун мустақил топшириқларни бериб бориши керак. Бу топшириқлар талабага образларни янада ифодалироқ тасвирлашга ўргатиш билан бир қаторда, уста-рассомлар тасвирий воситалардан қандай моҳирона фойдаланганликларини ўргатади. Касб жиҳатдан маҳоратни эгалламаган рассом мукамал бадий образ ярата олмайди, демаски, қўйилган масалани мувафақиятли ҳал эта олмайди.

Кўп ҳолларда бўлажак рассом-педагогнинг касбий тайёрлашда тасвирлаш техникаси ҳақидаги муҳим масала баъзан эсдан чиқариб қолдирилади. Шунинг учун техник кўникмалар ва маҳоратнинг ривожланиши ижодий фаолият ҳисобланмайди деб таъкидлаш – бу бирор бир илмий асосга эга

бўлмаган хато, янглишишдир. Талабанинг эгаллаб бораётган мутахассислик маҳорати нафақат унинг педагогик, таълим жараёни сифатини белгилайди, балки унинг ижодий қобилиятларини намоён бўлишига ёрдам беради. Қобилият ҳар қандай буюк шахс истеъдодининг асосини ташкил этади.

Кўникмалар – бу ҳар қандай ижодий ишнинг, шунингдек тасвирий фаолиятнинг асосидир. Кўникмалар машқлар бажариш жараёнида мустаҳкамланиб борилади. Машқлар аниқ ишлаб чиқилган ва тартибга эга тизимга асосланган бўлиши керак. Тўғри бажарилган машқлар ва ишлар бажариш усуллари эгаллаб олиш натижасида керакли техник кўникмаларни эгаллаши мумкин. Бу борада буюк франсуз рассоми ва меъмори Ле Корбюзе шундай деган эди: “Тасвирлаш жараёнида буюмларнинг қандай дунёга келиши, уларнинг қандай ривожланиши, ўсиши, гуллаб-яшнашини кўрасан. Бу борлиқни кузатиш, аввало, буюмларнинг “ички” дунёсини, сўнгра “ташқарисини” ўрганиш натижасида амалга оширилади. Буюмнинг ҳақиқий гўзаллигини, аввало, ташқарисига эътибор бериб, сўнгра техник маҳорат билан тасвирлаш жараёнида идрок этамиз. Тасвирлаш - кузатиш, яратиш, ихтиро қилиш демакдир” [3].

Ҳар бир педагогнинг расм чизишга ўқитиш методикаси ва индивидуал тизими қандай бўлмасин, лекин талаба тўғри техник тайёргарликка эга бўлса, у ҳар қандай педагог-рассом раҳбарлигида сабоқ олмасин, келгусида муваффақиятли рассом бўлиб етишиб чиқади ва ривожланиб боради. Лекин педагогнинг маҳорати шунда белгиланадики, у ҳар бир талабага унинг тасвирлаш техникасига мос равишда кўрсатма бериб, таълим тарбия усулларида кенг фойдалана олиши ва талабага тўғри кўрсатма беришидадир. Тасвирлаш маҳорати – бу инсоннинг илгари олган тажрибаси асосида маълум усул ва услубларни қўллаш билан қандайдир бир шаклни ҳаққоний бажара олиш қобилиятига айтилади.

Бадий ижодий фаолиятда маҳорат аввалдан олинган билим ва кўникмалар асосида юзага келади. Ёшлар билан ишлашда уларнинг маҳоратини аста-секинлик билан ривожлантириш ва такомиллаштиришни доимо ёдда тутиш керак.

Бошланғич курсларда талабада дастлаб маҳорат жуда бўш ифодаланади, кейинчалик эса тўғри кўникмалар ишлаб чиқиш жараёнида улар мустаҳкамланиб боради. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, тасвирий жараёнда хатоларга йўл қўйилганда уларни бартараф этиш учун, тасвирлашнинг “ҳаракатлар намунаси” бўлиши керак. Маҳорат ва кўникмалар тўғрисида таниқли психолог Б.Ф.Ломов шундай деб ёзади: “Маҳорат мураккаб психик жараён асосида ташкил топади. Бирор бир фаолият турига тегишли кўникмалар тизими билан биргаликда машқлар бажариш жараёнида амалга оширилади. Бунга эришиш учун, одам фақатгина керакли кўникмалар ҳамда билимлар тизимини эгаллаган бўлиши керак. “Маҳорат билан бажарилган ҳаракат” бу ҳар доим ҳам ишнинг муваффақиятини белгилайди. Тасвирий санъат борасидаги билимлар тизими (перспектива қонуни, шаклларнинг нисбатлари, чизиқли конструктив тузилиш, ёруғ-соя муносабатлари, шакл пластикаси в.б.) кўникмалар тизими билан биргаликда талабанинг ўз олдига қўйган масалаларни мустақил ечишга тайёрлигини белгилайди [4].

Хулоса ўрнида шуларни қайд қилиш мумкинки, талабага расм чизиш кўникма ва маҳоратни эгаллашига ёрдам бериш учун унга қўлини, кўзини ва аклини машқ қилдирувчи махсус топшириқлар бериш керак. Бу машқлар самарали бўлиши учун қуйидагилар талаб этилади: 1. Талабанинг ҳар бир амалий машқ бажариши жараёнида унинг сифатини оширишга интилиши; 2. Ҳар гал яна яхшироқ ишлашга ҳаракати; 3. Натижаларни ҳисобга олиш ва ҳар бир вазифада йўл қўйган хатолари сабабларини тушуниши; 4. Ўз-ўзини назорат қилиши;

5. Вақтни тўғри тақсимлаган ҳолда оддийдан мураккабга усулида аста-секин мураккаб вазифаларга ўтиб бориши; 6. Ўз ишига танқидий муносабатда бўлиши, атрофдаги тенгдош рассомларнинг мувафақиятларини тан ола билиши, ҳамда уларга теглашишга ҳаракат қилиши; 7. Ўз гуруҳдошлари орасида ижодий жиҳатдан доимо соғлом рақиб

бўлиши шулар жумласидандир.

Техник усулларни ўрганиш асаб тизими ва бош мия фаолияти билан узвий боғлиқдир. Рассом қўл ҳаракатларини кўп йиллар давомида амалий машқлар бажариш жараёнида пухта тайёрлаб боради.



Фойдаланилган адабиётлар:



1. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони.
2. Байметов Б.Б. Қаламтасвир. Дарслик, “Муסיқа” нашриёти 2006.
3. Ле Корбюзе. “Творческий пут”. М., 1970, с.211.
4. Ломов Б. Ф. Методологические и теоретические проблемы психологии: монография. – М.: Директ-Медиа, 2008
5. Н.Н.Ростовцев. Методика преподавания изобразительного искусства. М.: 1985.
6. Baymetov B. B., Sharipjonov M. Sh. Formation of creative competences of the fine art future teachers describing geometrical forms (on sample of pencil drawing lessons) *Academician international multidisciplinary research journal (double blind refereed & reviewed international journal)*. Pages: 1996-2001
7. Baymetov B. B. Methods of Portraiture in the Process of Making Sketches and Drawings of the Human Face in Higher Pedagogical Education. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*. Volume 24 - Issue 5. Pages: 6408-6415.

ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУАЛАР МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЯНГИ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

РАСУЛОВА НАСИБАХОН ЮСУФЖОНОВНА
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ, “Ахборот таълим
технологиялари” кафедраси ассистенти.

Аннотация. Мақолада мутахассислик фанларини ўқитишда мультимедиа технологияларини қўллаш, фанни ўқитишда мультимедиа ўқув-услугий мажмуаларни қўллаш долзарб мавзу эканлигига эътибор қаратилмоқда .

Аннотация. В данной статье рассматриваются роль и место применения мультимедиа технологий в преподавании специальных предметов, а также рассматриваются актуальность применения мультимедийных учебно-методических комплексов.

Summary. This article written about role and a place (media) multimedia technology in e-learners. The relevance of the use of multimedia technologies in the teaching of special disciplines. The benefits of e-learners with multimedia technology.

Мультимедиа электрон ўқув услубий мажмуалар (ММЭЎУМ) замонавий ахборот технологияларига асосланган мультимедиа муҳитида ўқитишнинг дидактик, дастурий ва техник интерфаол мажмуасидан иборат бўлиб, у анъанавий ўқув мажмуалардан фарқли ўлароқ, ўқитишнинг компьютер ва анъанавий технологиялари мажмуаси сифатида таълимда намоён бўлади.

МЭЎУМ ўқитувчидан дарсни анъанавий усулда эмас, балки замонавий ахборот воситалари, мультимедиа технологиялари ва интерфаол усуллардан фойдаланиб ташкил қилишни тақозо қилади.

МЭЎУМнинг бошқа мажмуалардан афзалликларидан бири уларнинг ижодий фикрлаш, мустақил таълим олиш, малака ва кўникмаларини шакллантириш орқали ўқув материаллари ҳамда илмий маълумотларни ҳар томонлама чуқур ўзлаштирилишига мўлжалланганлигидир. Шунингдек, ушбу турдаги мажмуалар илмий-услугий маълумотларни жамлаганлиги, кўргазмалли материалларга бойлиги, яъни турли хил анимациялардан фойдаланганлиги, таълим олувчиларнинг ёши ва физиологик хусусиятларини ҳисобга олганлиги жиҳати билан

анъанавий ўқув мажмуалардан афзалроқдир.

Шундай қилиб, МЭЎУМ замонавий ахборот технологиялари муҳитида ўқитишнинг дидактик, дастурий ва техник интерактив мажмуаларидан ташкил топади ва улар ўқув материалларини компьютер технологиялари ҳамда аудио-видео воситалар асосида яратиш, тизимлаштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш имкониятини берувчи манба бўлиб, ўқув фани дастурлари асосида ташкил этиладиган, аудитория машғулотлари ва мустақил таълимнинг ўқув-методик таъминотини ўзида муҳассамлаштиради.[1]

Мультимедиа воситалари асосида ўқувчиларга таълим бериш ва кадрларни қайта тайёрлашни йўлга қўйиш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидандир. Мультимедиа тушунчаси 90-йиллар бошида ҳаётимизга кириб келди. Кўпгина мутахассислар бу атамани турлича таҳлил қилишмоқда. Бизнинг фикримизча, мультимедиа– бу информатиканинг дастурий ва техникавий воситалари асосида аудио, видео, матн, графика ва анимация эффектлари асосида ўқув материалларини ўқувчиларга етказиб беришнинг

мужассамланган ҳолдаги кўринишидир. Ривожланган мамлакатларда ўқитишнинг бу усули, ҳозирги кунда таълим соҳаси йўналишлари бўйича татбиқ қилинмоқда. Ҳатто, ҳар бир оила мультимедиа воситаларисиз ҳордиқ чиқармайдиган бўлиб қолди. Ҳозирги кунда эса сотилаётган ҳар бир компьютерни мультимедиа воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. [2]

Замонавий ўқув-методик мажмуалар ўқув материалларининг турли шакллари, жумладан электрон, қоғоз ва ҳоказолар мажмуаси бўлиб, улар фан дастурларига мос келувчи, аудитория машғулотларининг барча турлари ва мустақил таълимни ўқув-методик таъминотини ўзида мужассамлаштиради.

МЭЎММ - замонавий ахборот технологиялари муҳитида ўқитишнинг дидактик, дастурий ва техник интерактив мажмуасидан ташкил топади ва улар ўқув материалларини компьютер технологиялари ҳамда аудио-видео воситалар асосида яратиш, тизимлаштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш имкониятини берувчи манбадир.

МЭЎММдаги ўқув материаллари Давлат таълим стандарти талабларига мос келиши ҳамда билимларнинг талабалар томонидан мустақил ўзлаштирилишига зарур ресурсларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши зарур.

МЭЎММ ташкилий-методик, ахборот-ўргатувчи ва назорат қилувчи дидактик функционал блоклардан ташкил топади. Ресурсларнинг педагогик-психологик вазифалари ўқув материалларини гипермедиа муҳитида тақдим этиш, талабалар билан ўқитувчилар орасидаги дидактик мулоқот ва таълим воситалари орқали амалга оширилади.

Мультимедиа элекрон ўқув-методик мажмуа ресурслари таълим жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаш, талабанинг ўқув фаолиятини ўзи назорат қилиш ва тўғри йўналтириш, компьютернинг

ҳисоблаш имкониятларидан фойдаланиш туфайли ўқув вақтини тежаш, ўқув материалларини визуаллаштириш, ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш, уларни имитациялаштириш, турли педагогик вазиятларда оптимал қарор қабул қилиш малакасини шакллантириш, фикрлашнинг аниқ бир шакли (кўргазмали-образли, назарий)ни ривожлантириш, билиш фаолияти маданиятини шакллантириш каби имкониятларни беради.

Мультимедиа воситалари асосида ўқувчиларни ўқитиш қуйидаги афзалликларга эга:

- берилаётган материалларни чуқурроқ ва мукамалроқ ўзлаштириш имконияти бор;
- таълим олишнинг янги соҳалари билан яқиндан алоқа қилиш иштиёқи янада ортади;
- таълим олиш вақтини қисқариш натижасида, вақтни тежаш имкониятига эришиш;
- олинган билимлар киши хотирасида узоқ муддат сақланиб, керак бўлганда амалиётда қўллаш имкониятига эришилади.

Ахборот технологияларининг мультимедиа воситалари ўқув жараёнида қуйидаги энг муҳим жиҳатлари билан алоҳида аҳамиятга эгадир:

- дифференциал ва индивидуал ўқитиш жараёнини ташкил этилиши;
- ўқув жараёнини баҳолаш, қайтар алоқа боғлаши;
- ўзини-ўзи назорат қилиш ва тузатиб бориши;
- ўрганилаётган фанларни намойиш этиши ва уларнинг динамик жараёнини кўрсатиши;
- фан мавзуларида анимация, графика, мультимедиа, овоз каби компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиши;
- ўқувчи - талабаларга фанни ўзлаштириш учун муҳим кўникмалар ҳосил қилиши ва ҳоказо.

Мультимедиа технологиянинг энг

муҳим хусусияти интерфаоллик-ахборот муҳити ишлашида фойдаланувчига таъсир ўтказа олишга қодирлиги ҳисобланади.

Маъруза, доклад ёки бошқа чиқишларда одатда кўргазмалари намойиш этиш воситаси сифатида плакатлар, қўлланма, лаборатория тажрибаларидан фойдаланилади. Бу мақсадда диапроекторлар, кодоскоплар, график тасвирларни экранда намойиш этувчи слайдлардан фойдаланилади.

Компьютер ва мультимедиали проекторнинг пайдо бўлиши маърузачи нутқини овоз, видео ва анимация жўрлигида сифатли ташкил этишнинг барча зарурий жиҳатларини ўзида мужассам қилган кўргазмалари материалларни тақдимот сифатида тайёрлаш ва намойиш этишга имкон беради. [3]

Ҳозирда Республика таълим тизимида ўқитувчи—тингловчи ва ўзаро тингловчилар алоқасини йўлга қўйиш мақсадида икки томонлама коммуникацион технологиялар кенг қўлланила бошлади. Бунда масофадан ўқитиш тизимини Интернет имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда тақсимлаш кўзда тутилган.

Замонавий ўқув-методик мажмуалар ўқув материалларининг турли шакллари (мультимедиали, қоғоз ва ҳоказо) мажмуаси бўлиб, улар фан дастурларига мос келувчи, аудитория машғулотларининг барча турлари ва мустақил таълимни ўқув-методик таъминотини ўзида мужассамлаштиради. [3]

Мультимедиали электрон ўқув-методик мажмуалар - замонавий ахборот технологиялари муҳитида ўқитишнинг дидактик, дастурий ва техник интерактив мажмуасидан ташкил топади ва улар ўқув материалларини компьютер технологиялари ҳамда аудио-видео воситалар асосида яратиш, тизимлаштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш имкониятини берувчи манбадир. МўММларнинг таълим воситалари таркибига ўқув дарсликлари, қўлланмаларнинг мультимедиали версиялари, компьютер мультимедиали ўргатувчи тизимлар, аудио ўқув-ахборот материаллари, видео

ўқув-ахборот материаллари, виртуал лаборатория ишлари, тренажёрлар, маълумотлар ва билимлар базаси, мультимедиали кутубхоналар, эксперт ўргатувчи тизимлар асосидаги ўқитиш воситалари, виртуал реаллик асосидаги ўқитиш воситалари киради.

Мультимедиали электрон ўқув-методик мажмуалар таълим жараёнини индивидуallasштириш ва дифференциялаш асосида ўқувчининг ўқув фаолиятини ўзи назорат қилиш ҳамда тўғри йўналтириш, компьютернинг ҳисоблаш имкониятларидан фойдаланиш туфайли ўқув вақтини тежаш, ўқув материалларини визуallasштириш, ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш, уларни имитациялаштириш, турли педагогик вазиятларда оптимал қарор қабул қилиш малакасини шакллантириш, фикрлашнинг аниқ бир шакли(кўргазмали-образли, назарий)ни ривожлантириш, билиш фаолияти маданиятини шакллантириш каби имкониятларни беради.

Хусусан, мутахассислик фанлардан мультимедиали ўқув-методик мажмуалар яратиш, улар ёрдамида таълим мазмунини шакллантириш масаласи ҳали етарлича тадқиқ этилган эмас.

Таъкидлаш лозимки, олий ўқув юрларида мутахассислик фанлари учун мультимедиали ўқув-методик мажмуалар яратиш, дарс жараёнида қўллаш методикасини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот ўтказилмаганлиги кўтарилган муаммони ўрганиш долзарб масалалардан бири эканлигини кўрсатади. Шунга кўра, тадқиқотларимизга “Мультимедиа технологиялари асосида мутахассислик фанларидан электрон ўқув услубий мажмуаларни шакллантириш механизмлари” мавзуси танлаб олинди, мутахассислик фанидан мультимедиали электрон ўқув-методик мажмуалар яратиш ва ундан таълим тизимида фойдаланишнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқиш муаммоси илгари сурилди.

Тадқиқотнинг мақсади ва илмий фаразидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРДА ТЕХНОЛОГИК КЎНИКМАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

А.КИЁМОВ

Низомий номидаги ТДПУ Термиз филиали ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақола бўлажак педагогларда технологик кўникмаларни шакллантириш жараёнини моделлаштириш муаммоларига бағишланган бўлиб, унда модель тушунчасининг таърифи, ўзига хос хусусиятлари ҳамда бўлажак педагогларда технологик кўникмаларни шакллантириш жараёнининг модели, унинг асосий ташкил этувчиларининг вазифалари ва таълим жараёнларини модернизациялашдаги тутган ўрни ёритилган.

Таянч сўзлар: билимлар, кўникмалар, технологик кўникма, модель, моделлаштириш жараёни, тадқиқот объекти, таълим, тарбия.

Аннотация: Статья посвящена проблемам моделирования процесса формирования технологических умений у будущих педагогов в системе высшего образования. В статье дано определение понятию модель, раскрыты особенности понятия. Разработана модель процесса формирования технологических умений у будущих педагогов, определены функции и роль в модернизации процесса образования основных составляющих модели.

Ключевые слова: знания, умения, технологические умения, модель, процесс моделирования, объект исследования, образование, воспитание.

Annotation: The article is devoted to the problems of modeling the process of formation of technological skills among future teachers in the higher education system. The article gives a definition of the concept of a model, revealing the features of the concept. A model of the process of forming technological skills in future teachers has been developed, functions and roles in the modernization of the education process of the main components of the model have been determined.

Keywords: knowledge, skills, technological skills, model, modeling process, object of research, education, upbringing.

Олий таълим тизимида таҳсил олиш жараёнида талабаларда технологик кўникма ва малакаларнинг шаклланиш жараёнларини моделлаштириш зарурати, технологик кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиши, таълим олиш, ўзаро мулоқотда бўлиш ҳамда мустақил таълим олиш жараёнларида босқичма-босқич кечиши билан белгиланади. Модель тушунчасидан илм-фаннинг турли соҳаларда кенг фойдаланилади. Модель-бу бирор нарсанинг (мас., автомобил, иншоот ва ш.к.нинг) худди ўзидек ёки кичрайтириб, катталаштириб олинган, кўплаб ишлаб чиқариш учун андоза бўладиган нусхаси [1]. Бизнинг фикримизча таълим тизимида модель бу-схемалар, графиклар ва бошқа шаклларда яратилган сунъий объект, у ўрганилаётган объектга (воқеликка)

монанд бўлиб, оддий кўринишда объект элементларининг тузилишини, хусусиятларини ва улар орасидаги ўзаро боғланишларни акс эттиради ва такрорлайди.

В.В.Давыдовнинг таъкидлашича модель-бу реал объектнинг нусхаси бўлиб, у воқеликни тўлиқ акс эттирмайди, фақатгина кутилаётган натижаларга нисбатан асосийлари ҳисобланган муҳим жиҳатлари, тавсифлари ва хусусиятларини акс эттиради, моделда воқеликнинг энг аҳамиятли хусусиятлари “моддий ва ишорали муносабатларда кўргазмали қабул қилинади ва акс эттирилади”. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ҳар хил шакл тузилишига эга бўлишига қарамасдан, модель ўрганилаётган воқелик ёки предметнинг аналогича демакдир. Шуни ҳам айтиб ўтишимиз керакки,

жуда мураккаб тузилмага эга бўлган модель ҳам, воқелик ёки объект ҳақида тўлиқ тасаввурларни, унинг ривожланиш босқичлари ва ҳарактланиш йўналишларини акс эттириб бера олмайди. Педагогик луғатларда модель-намуна (эталон, стандарт); яратилаётган тизимнинг (таълим, тарбия) тасаввур қилиш орқали шакллантириладиган ёки маълум бир белгилар орқали ифодаланган намунаси; тадқиқот предметининг боғланишлари, хусусиятлари ва вазифалари каби аниқ белгиларини акс эттирувчи элементлар тизими деб таърифланган. Бизнингча, модель бу-тадқиқот объектини такрорловчи ёки акс эттирувчи моддий ёки тасаввур қилиш орқали шакллантирилиш билан амалга оширилувчи тизим, у объектнинг ўрнини боса олиши мумкин ва моделни тадқиқ қилиш жараёнида тадқиқот объекти ҳақида янги илгари кўзга ташланмаган қирралар ва хусусиятларни кашф этиш мумкин. Яъни, тадқиқот объектларини моделлаштириш - бу жараёнларни ўзаро маълум бир боғланишда бўлган белгилар ёрдамида тасвирлаш демакдир, уларни маълум бир кетма-кетликда комбинациялаштириш ва ўзгартириш эвазига объект ҳақида янги ва янада тўлиқ маълумотлар олиш мумкин.

О.М.Корпенко “моделлаштириш” тусунчасига қуйидагича таъриф берган, “моделлаштириш - бу педагогик материаллар, воқеликлар ва жараёнларнинг моделини, яъни нусхасини яратиш” демакдир. У тадқиқ қилинаётган педагогик тизимларни схемалар шаклида тасвирлаш учун қўлланади. Бунда “модель” дейилганда, асл нусханинг айрим ўзига хос муҳим хусусиятларини такрорловчи, унинг ўрнини боса олувчи объектлар ва белгилар тизими тусунилади, яратилган моделни ўрганишда, тадқиқ қилинаётган объект ҳақида янги маълумотларни аниқлаш имконияти туғилади”.

Моделлаштириш, тизимнинг ўрнини боса олувчи объект ёрдамида мос равишда

унинг моҳиятини, муҳим хусусиятларини ва компонентларини тўлақонли акс эттириш имконини берувчи билув ва бошқарув фаолияти усулларида бири ҳисобланади. Мазкур усул амалиётда педагогик воқеликнинг ҳозирги ҳолати ва келажакда унда содир бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлар, унинг имкониятлари, яратилиш шарт-шароитлари, қонуниятлари, фаолият йўналишлари ва тизимнинг ривожланиш босқичлари ҳақида янги маълумотлар олиш имкониятларини яратади. Моделлаштириш лойиҳаланаётган объектнинг акс эттирилиш усули сифатида юзага келади [2].

Биз томонимиздан таклиф этилаётган олий таълим тизимида бўлажак педагогларда технологик кўникмалар шаклланиш жараёни модели, талабаларда кўникмалар ва малакаларни шакллантириш жараёни моделилаштириш соҳасида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этишни назарда тутлади. Бундан ташқари ушбу модель талабаларда келажакда ўз касбий фаолиятларини амалга оширишлар учун технологик кўникмалар шаклланишининг объектив зарурати ҳамда мазкур муаммонинг ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан бартараф этишга хизмат қилади. Биз томонимиздан таклиф этилаётган олий таълим тизимида бўлажак педагогларда технологик кўникмалар шаклланиш жараёни модели қуйидаги таркибий қисмлардан таркиб топган:

- таълим жараёни субъектлари;
- умумдидактик мақсадлар;
- ўрганилаётган жараёнга таъсир кўрсатувчи технологик кўникмалар мезонлари, ташкилий-педагогик шарт-шароитлар;
- технологик кўникмаларнинг шакланганлик даражасини баҳолаш мезонлари;
- технологик кўникмалар шакланганлигининг натижалари-талабаларда технологик кўникмалар шакланганлигининг юқори даражаси.

Маъруза, амалий ва семинар машғулотида давомида ўзаро касбий ҳамкорликда фаолият кўрсатувчи педагоглар ва талабалар таълим жараёни субъектлари ҳисобланадилар. Биз технологик кўникмаларни ўрганиш ва моделлаштириш жараёнида қўйиладиган умумдидактик мақсадларни олий таълим тизимида бўлажак педагогларда технологик кўникмалар шаклланиш жараёни деб номладик. Биз олий таълим тизимида бўлажак педагогларда технологик кўникмалар шаклланиш жараёни модели ишлаб чиқишда Ю.К. Бабанский томонидан таклиф этилган тизим сифатидаги дидактик тамойиллар тўпламидан фойдаландик, бу дидактик тамойиллар тўплами таълимга фаолиятини ёндашувга асосланган. Дидактикадаги бундай ёндашув таълим жараёнининг асосий компонентларини аниқлашга имкон беради, яъни уларнинг ҳар бири, худди тўлиқ жараён каби муайян ўқув мақсадлари талабларини қаноатлантириши лозим. Технологик кўникмаларнинг шаклланиши мезонларига биз бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ бўлган мақсадлик, когнитив, операциявий ва диагностик (ташхисловчи) каби талабларни киритдик. Биз томонимиздан ишлаб чиқилган олий таълим тизимида бўлажак педагогларнинг технологик кўникмаларини шакллантириш моделида технологик кўникмаларнинг таркибий қисмлари: мотивацион-мақсадли, структуравий-мазмуний, процессуал-технологик, баҳоловчи-нативавий кўрсаткичлардан ташкил топган бўлиб, улар ўзаро боғлиқдир. Бизнинг фикримизча, технологик кўникмаларни шакллантиришни ривожлантириш жараёни ҳар бир ташкил этувчи (компонент) бўйича (дастлабки, таълим берувчи, якуний) уч босқичда босқима-босқич комплекс тарзда амалга оширилса, янада самарали бўлади, чунки бу компонентлар мазкур кўникмаларнинг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади. Бироқ, ҳар бир босқичда табиий изчиллик,

тизимли-фаолиятини ёндашув ва ақлий ҳаракатларни шакллантириш тамойилига кўра, муайян сифат (мезон)ни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилиши керак. Технологик кўникмаларнинг шаклланиши даражасини баҳолаш компонентлар (ташкил этувчилар) мезонларига кўра амалга оширилади.

Мақсадлик мезони кадрларга йўналтирилганликнинг шаклланиши даражаси ва касбни тўғри танлаш моҳияти орқали белгиланади. Талабаларда технологик кўникмаларнинг шаклланиши жараёни онтогенезда шахснинг мотивацион соҳасини шакллантириш жараёни билан бевосита ўзаро боғлиқ. Бу талабанинг ўз имкониятларини олдиндан кўра билишида ва шунга асосланган ҳолда ўз хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштиришида; ўзи эришган натижаларни тасаввур қилган ҳолда, мақсадли ҳаракатларни амалга ошириш заруратининг шакллантирилишида намоён бўлади. Кўрсатиб ўтилган боғлиқликлар аслида қўйилган натижаларга эришишга шахснинг мақсадли ҳаракатларида ва унинг касбий мотивларида мавжуддир.

Когнитивлик мезони-педагогик ва ахборот технологияларни билиш даражаси орқали баҳоланади. Бундай билимларга технологик билимлар асосларини, яъни қўйилган педагогик вазифаларни ҳал этиш қаратилган методлар, алгоритмлар, услублар ва воситаларни; бу билимларнинг ташқаридан олинаётган ахборотлар билан боғлиқлиги ва ўзига хос хусусиятларини билишни киритиш мумкин.

Операциявий мезонлар - бу мезонларни операциявий кўникмалар ёрдамида баҳолаймиз. Талабаларда бу кўникмалар тегишли психик фазилатлар ва қобилиятларнинг шакллантирилишида ўзлаштирилган ҳаракатлардан ташкил топади. Мазкур компонентга сабаб-оқибат боғланишларини ўрнатиш (фаразларни илгари суриш ва таҳлил қилиш асосида), тасаввурларни қай-

та яратиш, ўзгартириш ва режалаштириш (башорат қилинган мақсадлар ва ҳаракатларнинг тўғрилигини баҳолаш қобилиятлари) каби ақлий ҳаракатларини киритиш мумкин.

М.Н.Левинанинг фикрига кўра, талабаларнинг ақлий ҳаракатлари таҳлилий ва мантикий фикрлашга асосланган, чунки талабаларни бўлғуси фаолиятга тайёрлашда аксарият ҳолларда хатоликлар таҳлилий ва синтезлаш фаолияти бирлиги тамойилининг бузилиши билан боғлиқ, бунинг объектив асоси тузилма ва уни ташкил этувчи элементлари ўзаро боғлиқлигининг бузилишидир. Технологик кўникма ва малакаларнинг умумий тузилмаси-талабанинг шахс сифатида шаклланиш тузилмасининг ўсиб боришида ривожланувчи-шахснинг аниқ бир фазилатларини, шу тизим элементлари ва интегротив жараёнларнинг қайта ишлаб чиқиши билан диалектик боғлиқликда бўлади. Талабани мутахассис сифатида тайёрлаш тизимида таҳлилий фаолият муҳим фаолият турларидан бири ҳисобланади, чунки у шахснинг салоҳияти ва касбий кўникмаларининг ривожлантирилишига хизмат қилади. Таҳлилий фаолият ижодий-амалий (конструктив) фаолиятдан олдин келувчи фаолият тури бўлиб, ижодий-амалий (конструктив) фаолиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. Таҳлилий фаолият муҳандислик-педагогик шартларини ва ўқув материалларини талабаларга етказиш усулларини яратиш ҳамда талабаларни ўқув-билув фаолиятга ва педагогик мулоқотга жалб этиш усулларини лойиҳалаш шarti ҳисоланади [2].

Диагностикалаш (ташҳислаш) мезони, биз томонимиздан рефлексия ва жамоавий баҳолаш орқали амалга оширилади, яъни талабанинг ҳолати ва ҳатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш, унинг ўз ички дунёсига, ўзгалар билан муносабатларида, билиш ва

ўзгартириш фаолияти шакл ва усулларига муносабатида намоён бўлувчи қобилиятлари; субъект томонидан ички ҳолатлар ва ҳатти-ҳаракатларни англаб етиш жараёни; индивиднинг ички фаолияти, субъект томонидан атрофидагиларни нечоғлик билиши ва тушуниши ҳамда атрофидагилар уни нечоғлик билишлари ва тушунишларини аниқлаш, талабанинг ўзига хос шахсий фазилатлари, ҳис-туйғу реакциялари, когнитив тасаввурлари; тафаккур қилиш, ўз ҳаракатларидан ҳадиксираш ва ишончсизлик. Рефлексия-ўз-ўзини баҳолаш билан боғлиқ. Рефлексия-бу талабанинг ўз “мен”ида содир бўлган ўзгаришларни, яъни Мен нималарни ўйлаган эдим, нималар содир бўлди?, Мен нималарни ҳис қилдим?, Мен нималарга эришдим?, Мени нималар ҳайратга солди?, Мен нималарни англаб етдим ва келгусида ўз фаолиятимни қандай режалаштиришим керак?, кабиларни акс эттириш демакдир.

Бўлажак педагогларда технологик кўникмаларнинг шаклланишига кўмаклашувчи ташкилий-педагогик шарт-шароитларни биз қуйидагича белгиладик:

- педагогик мутахассисликлар талабаларининг технологик кўникмаларини мақсадли ва босқичма-босқич шакллантириш;
- педагогика фанлари мазмунини тизимли тузилмалаштириш;
- бўлажак педагогларни тайёрлаш таълим жараёнларида педагогик ва ахборот технологияларидан оқилона фойдаланиш;
- бўлажак педагогларда технологик кўникмаларнинг шаклланишини таъминловчи услубий ва технологик топшириқларни ишлаб чиқиш;
- муаллифлик дастурини ишлаб чиқиш ва услубий таъминотни йўлга қўйиш.

Технологик кўникмаларни баҳолаш мезонлари, олий таълим тизимида бўлажак педагогларда технологик кўникмаларнинг ривожланиш даражаларини (юқори,

ўрта, куйи) аниқлаш имконини яратади. Технологик кўникмаларни шакллантириш жараёнларининг натижаси, олий таълим тизимида бўлажак педагогик мутахассис-

ликлар талабалари технологик кўникмаларининг юқори даражада шакллантирилиши билан белгиланади



Фойдаланилган адабиётлар:



1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Е-М/ 5 жилдли. Иккинчи жилд. А.Мадвалиев таҳр.остида. Таҳрир ҳайати: Э. Бегматов ва бошқ. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.-671 б.
2. Арасланова, О.Г. Формирование технологических умений у будущих педагогов в вузе: автореф. дисс. ...канд.пед.наук/ О.Г. Арасланова.-Нижний Новгород, 2007.-148 с.
3. Моделирование педагогических ситуаций [Текст]/под ред. Ю.Н. Кулюткина., Г.С. Сухобской. –М. :Педагогика, 1981. -120 с.
4. Левина, М.М. Технологии профессионального педагогического образования [Текст] : учеб. Пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений/ М.М. Левина.-М.: Академия, 2001.- 272с.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БИЗНЕС ИНКУБАТОР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

М.Х.БАЙМАНОВ

Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация маркази иқтисодчиси

Ш.Э.НАРЗУЛЛАЕВ

Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация маркази бўлим бошлиғи,

Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ошириш, ҳаётимизни фаровон бўлишида барча соҳаларда илмий инновацион ғоялар яратувчанлигини таъминлаш давлат сиёсатининг пировард мақсадига айланиб бормоқда. Бу борада Президентимиз Ш.Мирзиёев “Инновацияни ҳам, илмни ҳам, устувор йўналиш сифатида ташвиқот қилиш, инновацион муҳитни яратиш, илм инновация ғояларини амалга ошириш иқтисодиётимизни барқарор ривожланиш марраларга эришишида муҳим ўрин эгаллайди”-дея таъкидлаганлар. Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш босқичида инновацион бизнес инкубатор фаолиятини ривожлантириш давр талабидир. Маълумки, бизнес инкубатор ривожланишнинг барча босқичларида ёш тадбиркорларнинг лойиҳаларини, ғояларини ишлаб чиқишдан то уни тижоратлаштиришгача қўллаб-қувватлайдиган жараён тушунилади.

Бизнес инкубатор мамлакатда ўзининг иқтисодий ривожланиши учун инновацион бизнес режалар, лойиҳалар, янги потенциал технологиялар ва бошқа кўрсаткичларга асосланиб тадбиркорликни ривожлантиришга ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратади. Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш шароитида бизнес инкубатор фаолияти самарадорлигини оширишда замонавий менежмент, маркетинг бошқарув тизимини янада ривожлантириш орқали молиявий ва техник ресурсларни самарали механизмларини қидириб топиш ва маркетингга оид бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хизмат турларини кўпайтириш, ортиқча харажат-

ларнинг шаклланишига йўл қўймаслик ва хавф-хатардан эҳтиёткор бўлиш бу бизнес учун долзарб масалалардан бири эканлигини кўрсатади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда бизнес инкубатор муҳитини яхшилаш учун бир қатор молиявий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида бизнес инкубаторларда инновацион бизнес инкубаторларни рағбатлантиришга жалб этилган ёш тадбиркорлар ўз малакаларини оширадилар. Улар Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент қарорлари ва фармойишлари, тегишли вазирликлар қонун ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоби, солиқ ва бошқа иқтисодий, ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда компьютер ускуналари ва дастурлари билан ишлашни билиши, лабораториялар ҳамда ускуналардан фойдаланишни билиши билан биргаликда бошқа норматив молиявий, ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам амалга оширишда билимларини мустаҳкамлайдилар.

Бизнес инкубатор қуйидаги функцияларни қамраб олади:

инновацион бизнес режалар, илғор технологик лойиҳалар ишлаб чиқиш ҳамда юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналари, инвесторлар, қўшма корхоналар ва ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва фаолиятини амалга оширишда шартномалар тузишни белгилаш;

яхши ўйланган бизнес лойиҳаларни тўғри амалга ошириш ва моддий қўллаб-қувватлашга доир Ноу-Хау технологияларнинг бир неча саноат намуналарини яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

истиқболли инновацион лойиҳалар-

ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун резидентларга бизнес инкубатор хизматларини таклиф этиш орқали бизнесини ривожлантириш. Резидентлар учун қисқа муддатли курсларни ташкил қилиш ҳамда уларга тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни беришни ташкиллаштириш;

Стартапларга бир қатор хизматлар ва ресурслар, жумладан, иқтисодий, ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар бериш ҳамда энг яхши стартап лойиҳаларини молиялаштириш.

Ёш олимлар ва тадбиркорларни хизматларидан фойдаланишга жалб қилиш; академик илмий муассасалар олимлари ва изланувчилари, олий таълим муассасаларининг талабалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, ҳар бирининг алоҳида бизнес инкубатори учун интеллектуал фаолият натижаларининг йўл хариталарини шакллантириш. Мавжуд инновацион техника ва технологиялар ёрдамида бизнес инкубатордан самарали фойдаланишни амалга ошириш учун янги бозорлар топиш импорт ҳажмини қисқартириб, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга қаратилган лойиҳаларни ўз вақтида қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш режалари муҳим ҳисобланади. Бизга маълумки, бизнес инкубатор фаолиятининг самарали механизми бу корхоналарнинг кўпайиши ҳисобига меҳнатга лаёқатли ёшдаги ишловчи аҳоли сони кўпайиб, ёшлар орасида ишсизликни камайтириш муаммоларини анча бартараф этиб, камбағаллик дастурининг номутаносиблик имконини беради. Инновацион бизнес инкубаторлар Ўзбекистон иқтисодининг барча тармоқларида инновациялар ва янги технологиялар жорий этилиши, уларни ривожлантиришга қаратилган барча ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бу ўз навбатида инновацион бизнес режалар ва ғояларнинг технологик ишлаб чиқариш лойиҳалари ҳамда буюртмалари билан боғлиқ бошқа иқтисодий, ҳуқуқий жараёнларни ҳам амал-

га ошириш ва тармоқлар кесимида бизнес инкубаторни кенг қўллаш орқали меҳнат унумдорлигига эришишга сабаб бўлади. Бугунги кунда камбағалликни олдини олиш ва уни қисқартириш мамлакатимизнинг энг глобал муаммоларидан бирига айланди. Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни моделлаштиришнинг афзалликларидан бири бу янги иш жойларини ташкиллаштириш ҳамда камбағалликни олдини олиш учун тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлган ёшларнинг стартап лойиҳаларини молиялаштириш ва ўз бизнесларини ривожлантириб, барқарорликка эришиши таъминланишидир. Бунда бизнес инкубаторлар салмоқли аҳамият касб этиб, янги иш жойларини кўпайиши ҳисобига ялпи ички маҳсулот миқдори ва бюджет даромадлари ошиши, ички ва ташқи бозорларнинг сифатли маҳсулотлар билан қондирилишида ўз самарасини беради. Ўзбекистон Республикасида бизнес инкубатор фаолиятини ривожлантиришни қуйидаги омиллар орқали белгилаш муҳим ҳисобланади: инновацион фаолиятнинг турли соҳаларида янги бизнес режалар, илғор технологик лойиҳалар ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш, бизнес инкубаторни фаол ривожлантириш учун ёш бизнесменларга ҳар тамонлама ёрдам кўрсатиш, потенциал бизнес инкубаторлар учун тижоратлаштириладиган янги технологиялар ва илмий ишланмаларни қидириш; бизнес инкубатор фаолиятини амалиётда соҳалар бўйича алоҳида инновацион лойиҳа ишланмаларини кўриб чиқиб уни молиялаштириш ва тижоратлаштириш бўйича йўл хариталарни амалга ошириш ва мониторинг қилиш, экспертлар назоратидан (мониторинг) ўтказилган янги лойиҳалар ва технологик ишланмаларни юқори технологияли саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни режалаштириш ва тижоратлаштириш мақсадида корхоналар билан уларнинг фаолияти натижалари тўғрисидаги ахборот материаллари,

ишлаб чиқариш қувватлари, хом ашё ресурслари ва бошқа маълумотларни аниқлаштириб ишлаб чиқаришни ташкил этиш; бизнес инкубаторнинг ғоя ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш учун иқтисодий техник самарадорлигини текшириб, маҳаллий тадбиркорлар ва хорижий ишлаб чиқарувчиларни жалб қилган ҳолда инновацион корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган махсулотлари бренд номи (имидж) тармоқларини ривожлантириш; бизнес инкубаторнинг ғоя ва бизнес режаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, баҳолаш, молиялаштириш, хом ашё, моддий ресурслар ва бошқа харажатлар тақсмотини кўриб чиқиш, солиқ, бухгалтерия ҳисоби, кредитлаш, ҳуқуқий ҳимоя ва корхонани ривожлантириш, бизнесни режалаштириш, ахборот базаларига кириш, малака ошириш ва ўқитиш бўйича консалтинг хизматларининг фаолияти масалаларини мақсадли амалга ошириш;

стартапларга бир қатор хизматлар ва ресурслар, самарали Startup клуб-coworking хизматлари фаолиятини ташкил этиш. Тадбиркорлар ҳамда ёш олимларни коворкинг маркази хизматларидан фойдаланишга жалб этиш.

Бизнес инкубатор фаолиятида белгиланган ваколатлар доирасида тегишли олий таълим муассасалари, ташкилотлар, идоралар ва барча мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи корхоналарда бизнес инкубатор манфаатларини ифода этиш, бизнес инкубатор лойиҳасининг иқтисодий ва технологик

ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш, шунингдек, амалга ошириш. Бизнес инкубатор фаолияти доирасида корхоналарни ташкил этиш ва уни амалга оширишда ишлаб чиқаришни кенгайтириш каби ишларни ривожлантириш бу истиқболли давлатимизнинг бюджет даромадлари ўсишини таъминлайди.

Хулоса қилиб шуларни айтиш мумкинки, мамлакатимизда бизнес инкубатор тизимининг илғор хориж тажрибасида ижобий самара берган усулларини қўллаш орқали илм фан ва инновацион технологиялар салоҳиятидан кенг фойдаланиш. Шунингдек, ҳар бир бизнес инкубатор муаммоларини ўз вақтида эътибор қаратиб ҳал этиш бугунги куннинг асосий долзарб масалаларидан бири сифатида қараш лозим. Янгича ёндашувлар асосида ижодий товарлар ва хизматлар натижаларини бизнес инкубатор фаолияти иш тизимида ташкил этилса бу мамлакатимиз иқтисодиётининг инфраструктурасини барқарор ривожлантиришда муҳим омил сифатида ўз таъсирини кўрсатади. Юртимизда бизнес инкубаторнинг ҳалқаро стандартларини амалиётга жорий этиш орқали ижодий товарлар ва хизматлар натижаларини туғридан туғри сифатининг ошиши бу хорижий инвестицияларнинг кўпайишига ва бозорда соғлом рақобат орқали иқтисодиётимиз янада раванқ топишига олиб келади. Бу борада бизнес инкубатор фаолиятининг самарали тизимини ривожлантириш учун бирон бир меъёрий ҳужжат ёки қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли ги қарори. www.lex.uz.
2. Абульханов Р.Ф. Принципы общественной организации производства. – М.: 1982. - 176 с.
3. Крюкова Е.А. Личностно – развивающие образовательные технологии: природа, проектирование, реализация. Монография. – Волгоград: Перемена, 2000. – 97 с.
4. Махмудов С.Ю. Организационно – педагогические условия подготовки конкурентоспособных специалистов в профессиональных колледжах: Дис....канд. пед. наук. –Ташкент:ТДПУ, 2002. –134 с.
5. Мерель Х. Партнерство в профессиональном образовании и обучении // Институт прикладных социальных наук. - Нидерланды, 1998. – С.45.
6. Мирсаидов К. Махсус фанларни ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими. – Тошкент.: Ўқитувчи, 1996. – 105 б.

БЎЛҒУСИ УЧУВЧИЛАРНИНГ ТРЕНАЖ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА НАВИГАТОРЛИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МОДЕЛИ

ТОЛИБОВ НОДИРЖОН НОРКУЛОВИЧ

Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий авиация билим юрти кафедра катта ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада учувчиларнинг тренаж тайёргарлигини амалга оширишда навигаторлик компетентлигини шакллантириш муаммоси ва уни ечимини топиш йўллари, ушбу масалада тадқиқот олиб борган олимларнинг турлича қарашлари кенг ёритилган.

Калит сўзлар: навигатор, компетентли, стратегия, тизим, тренажёр, транспорт, фаолият, профессионал, учувчи.

Аннотация: В данной статье широко освещена проблема формирования навигационной компетентности пилотов при выполнении учебно-тренировочной подготовки и пути ее решения учеными, которые исследовали данный вопрос.

Ключевые слова: навигатор, компетентный, стратегия, система, тренажер, транспорт, деятельность, профессиональный, пилот.

Abstract: this article deals with the problem of formation of navigational competence of pilots during training and ways to solve it by Scientists who conducted research on this issue.

Keywords: Navigator, competent, strategy, system, simulator, transport, activity, professional, pilot

Авиация олий ҳарбий билим юрти назарияси ва амалиёти - навигаторлик компетентлигини шакллантириш борасидаги махсус саъй-ҳаракатларни амалга оширишни талаб этади. Ушбу масалани ҳал этиш мобайнида илмий изланишимиз йўналишини ва унинг натижасини тавсиф этувчи методологик ёндашувларни танлаб олиш зарурати вужудга келди. Замонавий фалсафа фани олимларининг методологик ёндашув тушунчасига турлича қарашлари мавжуд. Масалан, А.М. Новиков, Н.М. Яковлева методологик ёндашувни тегишли фаолиятнинг умумий мақсади ва стратегиясини белгилаб берувчи тамойиллар йиғиндиси сифатида таъриф этишади. И.В. Блауберг, А.В. Усова ва Э.Г. Юдин эса методологик ёндашувга тадқиқот ишининг принципал методологик ориентацияси, ўрганиш объекти кўриб чиқиладиган нуқтаи назар (объектни аниқлаш усули), тушунча ёки бўлмаса, тадқиқот иши умумий стратегиясини бошқарувчи тамойил дея қарашади. Бир вазиятда ёндашув тўлиқ стратегик тамойил ёки улар йиғиндиси билан ниҳояланади, бошқасида эса ёндашув тушунчаси тадқиқот ишида муайян дунёқарашни ифода этувчи позицияни ўтказишга қиёсланади, учинчи бир ҳолатда муайян ёндашувга мурожаат қилиш деганда

тегишли тамойилларни татбиқ этишнинг шакли ва шарти бўлиб хизмат қилувчи бир қанча процедуралар ва йўл-йўриқларни бир вақтда қўллаш кўзда тутилади. [41, 42, 170]. Мазкур тадқиқот ишимизда методологик ёндашувни тадқиқот предметини ўрганишдан кўзланган умумий мақсад ва стратегик йўналишни белгилаб берувчи тамойиллар йиғиндиси ўлароқ тавсиф этамиз. Юқорида айтилган фикрларга таянган ҳолда тренаж жараёнида навигаторлик компетентлигини шакллантириш масаласига мураккаб ва кўп аспекти феномен сифатида қараймиз. Мазкур феномен унинг назарий қурилиши ташкилий жиҳатдан мажмуавий бўлишини таъминлай оладиган ёндашувларни қўллашни ва асосий характеристикаларни тадқиқ этишни назарда тутати. Стратегик миқёсда ижтимоий-шахс ва тизимли, тактик миқёсда эса компетентлик ва интегратив ёндашувларни танлаймиз.

Ижтимоий-шахс ёндашуви (Н.А. Алексеев, Э. Ф. Зеер, В.Ф. Шаталов) социум мақсадларини шахс мақсадлари билан бирлаштириш, муштарак қилишга шароит ҳозирлайди. Бунда навигаторлик компетентлигини шакллантириш таълим бериш ва профессионал фаолиятнинг ижтимоий-шахсга қаратилган мақсади, дея эътироф этилади. Ҳарбий мутахассис – бўлғуси учувчини тайёрлаш

умумдавлат даражасидаги вазифа саналиб, ижтимоий мақсадларни кўзлайди. Шу билан бир вақтда шахсга юкланадиган вазифа эса касб эгаллашдан иборат. Ушбу вазифа шахснинг ҳарбий учувчи бўлиш, ўз соҳасида, касбида етук даражага эришиш мақсадларни ифода этади.

Тизимли ёндашув тренаж тайёргарлик жараёнида профессионал таҳсилнинг муҳим характеристикалари ва ички тузилишини ўрганиш даражасида бўлғуси учувчиларда навигаторлик компетентлигини шакллантириш муаммосини тадқиқ этиш стратегиясини белгилашга имкон беради; таҳсил жараёнини мураккаб таркибли, яхлит бир педагогик тизим сифатида тушунишга йўл очади; тренаж тайёргарлик жараёнида навигаторлик компетентлигини шакллантириш моделини конструкциялаш, унинг таркибий компонентлари, ушбу компонентларнинг ўрни ва аҳамиятини ажрата билишга, уларнинг ўзаро боғлиқлиги диалектикасини очиб беришга имкон яратади.

Тизимли ёндашувнинг умумназарий асосларини В.Г. Афанасьев, И.В. Блауберг, В.Н. Садовский, Э.Г. Юдин ва бошқалар ишлаб чиқишган [12, 26, 201]. Улар мавзу беҳато кўйилишини таъминлаш ҳамда илмий изланишнинг умумий йўналишини аниқлашда мазкур ёндашувга етакчи роль беришади. Шу билан бирга тадқиқ этилаётган объект компонентларнинг муайян йўсинда ташкил топган яхлит бир алоқаси сифатида кўрилади. Ушбу алоқа маълум даражада барқарорлик касб этади. “Тизим” тушунчаси борасида турлича талқинлар мавжуд. Энциклопедияларда “система” (юнончада *systema* – қисмлардан таркиб топган бир бутун; бирикма), яъни тизим тушунчаси “ўзаро муносабат ва алоқада бўлган, маълум бир яхлитлик, бирлик ҳосил қилувчи бир талай элементлар” сифатида талқин этилади [143].

Тизим хоссалари бошланғич компонентлар табиати, уларнинг миқдори, уларнинг алоқа қилиш ва ўзаро таъсирлашиш усулларида келиб чиқади, боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам тизимли ёндашувнинг бош талабларидан бири – объектнинг ички алоқалари, унинг ички тузилишини таҳлил этиш, ушбу объектни ўзаро боғлиқ, ўзаро таъсирлашувчи ва бир бирига ўтувчи компонентлардан ташкил топган яхлит бир ҳосила сифатида кўриш. Тизим

структураси, элементларнинг алоқага кириш ва ўзаро муносабатда бўлиш тарзи тизимнинг яхлит бўлиши, унинг хоссалари интегративлик касб этишига шароит яратади. Тадқиқот ишимиз учун тизимли ёндашув профессионал компетенциялар, шахсий ва профессионал муҳим сифатлар шаклланиши жараёнининг конструкциясини англатади. Ҳар бир навигаторлик компетенцияси ҳамда шахснинг ҳар бир хислати профессионал таҳсил, хусусан, тренаж тайёргарлик жараёнида қарор топиб боради. Таҳсил олувчи босқичдан босқичга илдамлагани сари навигаторлик компетентлигини юзага чиқарувчи психологик-педагогик таъсир методлари, воситалари ва шакллари мажмуа ҳолига келиши кучаяди, айти муддао саналган сифат – навигаторлик компетентлиги эса ёрқин кўзга ташланиб, чуқурлашиб боради. Шу тариқа, тизимли ёндашув навигаторлик компетентлиги шаклланиши жараёни мажмуавий тарзда ўрганилишини таъминлайди ҳамда ушбу ўрганиш жараёнига яхлит бир ҳосила ўлароқ намоён бўлувчи ўзаро алоқадор, бир бирига тобе ва таъсирлашувчи блоklar йиғиндисидан иборат педагогик тизим сифатида қарашга имкон беради. Навигаторлик компетентлигини тактика даражасида шакллантиришни компетентликка мўлжалланган ёки компетентлик ёндашувига асосланган таҳсил деб аташ мумкин.

Компетентлик ёндашуви нуқтаи назаридан олиб қаралса, махсус ҳарбий таълим беришдан кўзланган мақсад компетентли (уқувли, билимдон), масъулият ҳис этувчи, ўз касбининг устаси саналган учувчи мутахассисни тайёрлашдан иборат. Компетентлик ёндашуви учувчининг профессионал юмушини аниқ ва муддатида бажаришга қодирлик ва шайликни кафолатловчи навигаторлик компетентлигининг моҳияти, мазмуни ва компонентли таркибига чуқурроқ разм солишга имкон беради.

Интегратив ёндашувга қараб мўлжал оларканмиз, бўлғуси учувчиларнинг навигаторлик компетентлигини юзага чиқариш масаласини ҳарбий-профессионал ва махсус фанларнинг назарий аспекти мазмунини уларнинг тренаж тайёргарлик жараёнидаги амалий мазмуни билан интеграциялаш нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз. Бунда янги бир бутунни олиш мақсадида, шаклланиб бўлган навигаторлик компетентлигининг янги хосса ва сифатлари-

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ КАСБ ХУНАР ҲАҚИДА ДАСТЛАБКИ ТАСАВВУРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИДА ДИЗАЙН КАТЕГОРИЯЛАРИ ВА ТАЪЛИМ ДИЗАЙНИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

ЗУПАРОВА ДИЛНОЗА ДАДАХОНОВНА
МТМРМҚТМО институти таянч доктаранти
ЮЛДАШЕВА НОДИРА ДАДАХОНОВНА
“Эврика” хусусий ўрта мактаб ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада дизайн, дизайн таълимнинг моҳияти, дизайн ва педагогик дизайн категорияларини мактабгача таълим жараёнида, хусусан мактабгача ёшдаги боланинг касб-хунар тўғрисидаги дастлабки тасаввурларини шакллантиришда қўллаш, дизайннинг таълим тизими жараёнини модернизация қилишнинг самарали инновацион методи сифатида тутган ўрни ва аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: Дизайн, дизайн таълими, касб-хунар, таълим дизайни, лойиҳалаш маданияти, компетенция, мактабгача педагогика.

Аннотация: В данной статье освещена значимость, методы, формы и средства внедрения дизайн образования как инновационного эффективного метода модернизации дошкольной педагогики. Освещена сущность понятий дизайн, дизайн образование, её роль и значимость в формировании первичных представлений дошкольников о профессиях

Instruction: This thesis highlights the relevance of methods, shapes and implementation tools of design education as an innovation and effective method of modernization of nursery education. Highlights the essence of concepts of design, design education and instructional design.

Халқимизнинг энг азиз қадриятларидан бири бола тарбиясидир, унинг билим олиши ва бирон бир хунарнинг эгаси бўлиши учун катталар томонидан ғамхўрлик қилиш анъана саналади. Республикамизда мактабгача таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар фарзандларимизни жисмонан ва интеллектуал жиҳатдан соғлом ва ҳар томонлама етук вояга етказишга қаратилган [1]. Бола бошидан, деганларидек, ҳар қандай касб-хунарни эгаллаш болаликдан бошланади. Чех педагогикасининг намоён даси Ян Амос Коменский эътирофига кўра: инсон табиатига ҳаётининг илк даврида сингдирилганларгина қатъий ва ишончли бўлади (Только то в человеке прочно и надёжно, что всосалось в природу в его первую пору жизни). Ривожланган мамлакатларда болалар илк ёшдан дизайн, ихтиролар ва лойиҳалар оламига олиб кирилади. [7] Бу эса таълим-тарбия сифати даражаси ва инновацион ғоялар билан чамбар-час боғлиқдир. Дизайн ҳақли равишда замонавий ва ҳар

соҳага тааллуқли санъат дея эътироф этилади. (Р. Арнхейм, Г. Е. Гуров, Н. М. Кобышева, Е. В. Ладыгин ва б) [3]. Дизайн бу – шахснинг ўз атрофидаги моддий дунёни мақсадга мувофиқ гўзаллик қонунлари асосида ташкил этишга қаратилган бадиий ижодий фаолиятнинг ўзига ҳос тури. Шу билан бирга мақсадга мувофиқлик нафақат функционаликни, маҳсулотнинг мақсадга аниқ мослигини, балки, дизайн объектининг фазовий шакли, мазмуни, функцияси ва жойининг уйғун бирлиги сифатида уйғунликни англатади. [4] Дизайн атамалари луғатида “дизайн” инглизча сўз бўлиб, “лойиҳа”, “образ”, “фикр”, “ғоя”, “ғайриоддий фаолият”, “композиция санъати”, “санъат асари” каби маъноларни англатади. [6]

Бугунги кунда дизайн турларини минглаб санаб ўтиш мумкин, лекин уларнинг барчаси асосий 6 турдан келиб чиқади. [7] Дизайн турлари: саноат дизайни, муҳит дизайни, график дизайн, веб дизайн, жараёнлар дизайни, фикрий дизайн. Бугунги ривож-

ланган жамиятда дизайнерларнинг мохир қўллари, фантазиялари, креатив фикр ва лойиҳалари кириб бормаган касб, соҳа ва хизматнинг ўзи қолмади. Рангоранг витриналар, антиқа шаклли бинолар, либослар, медиа маҳсулотлар нафақат болалар, балки катталар онгини беихтиёр ўзига жалб этади. Дизайн кириб борган соҳалар: бинолар, интерьер, кўприклар, транспорт, кийим-кечак, пойафзал, ўйинчоқлар; китоблар, журналлар, реклама баннерлари, компаниялар бренди, логотиплар, маркетинг, савдо сотик, эсдалик совғалари, озик-овқат, қадоклаш; Асбоб ускуналар, тақдимотлар, тўй ва байрам тадбирлари, шоу бизнес, театр, сахна безаги, сиёсат, таълим; Дастурий маҳсулотлар, ғоялар, патентлар, лойиҳавий ишланмалар, рақамли технологиялар, интернет, веб жараёнлар. Маркетологлар дизайн элементларини савдо-сотикни ривожлантириш мақсадида рекламаларда кенг қўллайдилар.

Ўсиб келаётган ёш авлод дизайнга йўғрилган виртуал ўйинлар оламига фаол кириб бормоқда. Бундай шароитда дизайн элементларига сингдирилган менталитетимизга ёт қараш ва ғоялар ҳам, афсуски учрайди. Айтиш жоизки, халқимизнинг азалий амалий санъат безаклари, хунармандларнинг ижод намуналари ҳам ўзининг ёрқин дизайни билан кишини ром этади. Бу дизайн элементларининг бир вақтнинг ўзида ҳам бунёдкор, ҳам бузғунчи кучга эга эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Хусусан, замонавий педагогикада дизайн, дизайн элементи ва сигналлари, услуб ва воситаларидан мақсадли, самарали ва тўғри фойдаланиш таълим сифатини ошириш, модернизация қилишда қўл келади[5]. Чунки, замонавий дизайн инсонлар онгига таъсир этувчи ва уларнинг танловини бошқариш методи сифатида эътироф этилмоқда[3].

Дизайн боланинг ҳис туйғулари ва ҳаракатларига, фикрлаш доираси ва ғояларига, ахлоқий тарбиясига, қизиқиш ва эътиқодига, эстетик дидига, касб, хунар танлашига, лойиҳалаш маданиятига, дунё-

қарашининг шаклланишига ва замонавий технологик ҳаётга тайёрлайди, кашфиётлар яратишга ўргатади, ҳар бир ҳаётий фаолиятини тўғри лойиҳалаштиришга, шунингдек, ўз ғояларини моддийлаштириш имкониятини беради. Агар киши болалигидан қатъий ғоявий позициясига ва ахлоқий кўрсатмаларга эга бўлмаса, эстетик диди бўлмаса ўз фикрлари ва баҳоларига ишончсиз бўлса, қизиқишлар ва эътиқодларига нисбатан беқарор бўлса у, “кўр кўрона” ҳаракатлар учун қўлланма сифатида дизайн сигналларини осонгина қабул қилади: қай ерга қараш керак, нимага эришиш керак, кимга ишониш ва эргашиш керак, кимга мурожаат қилиш керак, ҳаёти ва ташқи дунё билан муносабатни қандай қуриш масалалари юзасидан дизайн сигналларига беркинган ғоялар ортидан эргашади. [4] Айниқса, бу камчилик боланинг келажакда касб-хунар танлашида муаммолар келтириб чиқаради.

Мактабгача ёшдаги бола онгига дизайн сигналларининг салбий таъсири натижалари қуйидагиларда намоён бўлади:

Боланинг ёрқин рангли носоғлом озик-овқатларга интилиши;

Носоғлом турмуш тарзининг шаклланиши;

Виртуал оламга қарамлик;

Кам ҳаракатлилик;

Бола турли мобил иловалар, компьютер ўйинларини ўйнашга ўрганиб қолиши;

Кўр кўрона тақлид еки эргашув;

Бола онгига менталитетимизга ёт ғояларнинг кириб олиши;

Болада агрессия ривожланиши;

Миллий ўзлигини йўқотиши;

Боланинг ўз қизиқишларидан келиб чиқиб, касб-хунар танлашига монелик.

Дизайн сигналлари ва категориялари қуйидагилардан иборат: шакл, ранг, структура, фактура, чироқлар, чизиқлар, анимациялар, товуш, овоз, композиция, чиройли ибора ва матнлар, дастурий маҳсулотлар, реклама ва маркетинг, таъм, хид, интернет ва веб дизайн ва б. Айнан шу восита-

лар инсон онгига таъсир кучига эгадир. Уларни боланинг дунёкарашиши шакллантиришда тўғри қўллаш учун дизайн таълими ва таълим дизайнига фан сифатида мурожат қилишни тақозо этади.[7]

Дизайн таълими. Лойиҳалаш компетенциясига эга бўлган шахсни тарбиялашга йўналтирилган таълим туридир. Замонавий таълимда дизайн таълимнинг ахамияти ҳар бир болага нарсалар дунёсидан қобилиятли фойдаланишни тарбиялашдан иборат. Бунинг учун технологик билимларнинг ўзигина етарли эмас. Дизайн таълимнинг мақсади болаларни илк ёшлариданок, хизматлар ва буюмларнинг бадиий тилини ўқиш, уларнинг шакллари мутаносиблигини ҳис қилишга ўргатиб боришдан иборат. Болалар нафақат улар олдида яратилган гўзалликни англашлари ва сақлаб қолишлари, балки, гўзаллик қонунларига кўра дунёни ўзгартиришни ўрганишлари, уни экологик тоза, қулай ва инсонпарвар қилишлари керак.[4] Ушбу ўзгариш оддий нарсалардан бошланади(кийим ва ўйинчоқлар танлаш) ва вақт ўтиши билан инсон дунёни англаши жараёнида ўзгариб ривожланиб такомиллашиб боради. Дизайн таълими болага нарса ва буюмларнинг нафақат қимматини, балки моҳиятини англатади, эстетик дидини шакллантиради, у ёки бу дизайн маҳсулотларига ўз муносабатини билдиришни, уларни тўғри танлаш ва қўллашни ўргатади. Бу эса ҳаёт учун қулайлик ва муҳофаза вазифасини ўтайди. Келажакда қайси касб эгаси бўлишидан қатъий назар бола лойиҳалаш маданиятига эга шахс сифатида камол топади.

Дизайн таълими лойиҳалаш маданиятига эга шахсни тарбиялашда қўлланилиши зарур бўлган метод сифатида катта ахамиятга эгадир. Бугунги кунда дизайн педагогикада ҳам самарали қўлланилмоқда. Жаҳон педагоглари томонидан таълим ва тарбия жараёнида дизайн элементларидан кенг фойдаланилмоқда.

Таълим дизайни - ёки педагогик дизайннинг мақсади боланинг таълим ва тарбия

олиши жараёнини лойиҳалаш ва дизайн категориялари, визуал коммуникацияларни самарали қўллашдир. Хорижий мамлакатларда бу атама “instructional design” деб юритилади. Агар “instructional “ сўзини ўзбек тилига ўгирсак, таълим ёки таълимга оид маъносини беради. Бу тушунча маъносини берувчи “Педагогик дизайн” сўзини ўзбек тилидаги адабиётларда учратган эмасмиз. Кам ҳолларда электрон ўқув материалларини ифодалаш учун қўлланилаётганлиги маълум. Педагогик дизайн аниқ педагогик натижаларга эришиш учун амалга оширилган педагогик жараёнини лойиҳалаш фаолиятини ифода этади. Бу атама хорижий назарий ва амалий таълим соҳасида кенг қўлланилади. Педагогик дизайнни жараён сифатида, фан ва илмий изланишлар соҳаси сифатида тушуниш мумкин.

Дизайн таълими болаларга (лойиҳалаш маданияти компетенцияси) эстетик дид, ижодкорлик, яратувчанлик, лойиҳа маданияти, креативлик, тўғри фикрлаш йўли (мантик), сабр-қўнимлилик, ўз вақтини тўғри ташкил этиш ва бошқариш, мақбул ечим излаш, саранжомлик, ўзига ишониш каби жуда керакли қатор хислатларни тарбиялайди. Мактабгача таълим жараёнида дизайн таълими орқали ва педагогик дизайн элементлари ёрдамида “Илк кадам” Давлат дастурига асосан қуйидаги компетенцияларни шакллантириш мумкин:

1. Боланинг умумий муҳим компетенциялари - коммуникатив компетенция, ўйин компетенцияси, ижтимоий компетенция, билиш компетенцияси.

2. Боланинг ривожланиш соҳалари компетенциялари - “Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш” соҳаси компетенциялари, “Ижтимоий ҳиссий ривожланиш” соҳаси компетенцияси, “Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари” соҳаси компетенцияси, “Билиш жараёнларининг ривожланиши” соҳаси компетенцияси, “Ижодий ривожланиш” соҳаси компетенцияси. [2]

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАСОФАВИЙ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА ПЕДАГОГИК ДИЗАЙН МОДЕЛЛАРИ

ИБРАЙМОВ АСҚАР ЕСБОСЫНОВИЧ

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори,

Бош прокуратура Академияси, Электрон таълим бўлими катта прокурори

Аннотация: Мазкур мақолада таълим тизимида янги тушунча сифатида педагогик дизайннинг асосий тушунчалари, таърифлари, тамойиллари, моделлари таҳлил қилинди ва мазмун-моҳияти очиқ берилди. Шунингдек, педагогик дизайннинг турли хил моделларини узлуксиз таълим тизимида самарали қўллаш бўйича тавсиялар тақлиф этилди.

Калит сўзлар: педагогик дизайн, таърифлар, тамойиллар, моделлар, амалиёт, самарадорлик.

Аннотация: в статье подробно раскрыта суть и сущность основных понятий, определенных, принципов, моделей педагогического дизайна, представлены рекомендации по эффективному использованию различных моделей педагогического дизайна в системе непрерывного образования.

Ключевые слова и понятия: педагогический дизайн, определения, принципы, модели, практика, эффективность.

Annotation: This article, based on international experience, as new concepts in the educational system, analyzes and reveals in detail the essence and essence of the basic concepts, definitions, principles, models of pedagogical design. Also, recommendations for the effective use of various models of pedagogical design in the system of continuing education are presented.

Key words: pedagogical design, definitions, principles, models, practice,

Сўнгги ўн йилликда хорижий мамлакатларда ҳозирги кундаги методикадан фаркли равишда педагогик дизайн тўғрисида етарлича тасаввур пайдо бўлди ва бу йўналиш янгидан ривожлана бошлади. Педагогик дизайн атамасининг инглизча варианты “instructional design”, яъни йўриқномалар ишлаб чиқиш дизайни маъносини билдиради [3;42-б]. Бу йўналиш педагогика ва дидактикада бирмунча янги бўлгани учун педагогик дизайннинг назарияси ва амалиётида муайян ишланмаларни амалга ошириш давомида мунтазам равишда муҳимлиги ортиб бормоқда. Педагогик дизайн тўғрисидаги тушунчаларни аниқлаштириш учун бу атаманинг ўзини аниқ таърифлаш мақсадга мувофиқдир. Мавжуд хорижий манбаларда ушбу тушунчага турли нуқтаи назардан қаровчи таърифлар учрайди. Хусусан, АҚШ Пенсильвания штати университети Амалий тадқиқотлар лабораториясининг "Ўқув ва педагогик ди-

зайн" қўлланмасида педагогик дизайнга қуйидагича таърифлар берилган [3; 43-б]. Педагогик дизайн – ўқув фани сифатида унинг доирасида педагогик стратегиялар, шу жумладан, уларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тўғрисидаги тадқиқотлар ўтказиладиган ва назариялар ишлаб чиқиладиган билимлар соҳаси. Педагогик дизайн – барча мураккаблик даражасидаги ҳам йирик, ҳам кичик фан блокларини ўрганиш жараёнини таъминлайдиган вазиятларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш, баҳолаш ва сақлаш учун батафсил спецификацияларни яратиш тўғрисидаги фандир. Педагогик дизайн – ҳақиқат сифатида ҳар доим ҳам ҳаракатларнинг тизимли кетма-кетлигида амалга оширилмайди. Кўпинча иш тасодифий ғоянинг пайдо бўлиши билан бошланади, бу фақат кейинчалик педагогик вазиятнинг асосларини яратади. Бутун жараён тугагач, дизайнер таҳлил ўт-

казади ва натижа асосий талабларга мос келишини текширади. Кейин бутун жараённинг таърифи “худди бошидан охиригача” худди гўё систематик тарзда бўлгандек берилади. Мазкур таърифлардан педагогик дизайн педагогик тизимларни тузиш мақсадига йўналтирилган жараён, яъни педагогик дизайн исталган педагогик жараённинг ажралмас қисмини ташкил қилиши жиҳатидан технологик механизм ҳисобланади, у тўғрисида ушбу педагогик технология амалиётда, яъни ўқув жараёнида реал қўлланишига етиб боради деб ҳисоблаш мумкин. Педагогик дизайннинг моделлари. Хорижий адабиётларда педагогик дизайннинг 4 та тури келтирилган [1, 2, 3, 4]. Булар ADDIE, ALD, SAM, ASSURE моделларидир. Мазкур педагогик дизайннинг моделларининг ҳар бирининг ўзига хос мазмун-моҳияти мавжуд ва уларни амалиётга жорий этиш ҳолатлари турлича хусусиятларга эга ҳисобланади. Биз ушбу мақолада ADDIE моделини прокуратура органлари ходимларининг масофавий малакасини ошириш жараёнида қўллашнинг назарий ва амалий жиҳатларидан айрим тадқиқотларни келтирамиз. ADDIE модели – таълим жараёнини таҳлил қилиш, лойиҳалаш, ишлаб чиқиш, жорий этиш ва баҳолаш босқичларини ўз ичига олади. Мазкур босқичларнинг ҳар бирини амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатлари қуйидаги таҳлилларда ёритилди. Масофавий малака ошириш курсларини ташкил этиш учун таҳлил қилиш. Бу малака ошириш курсининг мақсад ва вазифаларини аниқлашдан иборат. У курсларни ишлаб чиқишнинг энг аҳамиятли босқичи ҳисобланиб, унда асосий таянч элементлар ажратиб белгиланади, прокуратура органлари ходимларининг касбий эҳтиёжлари ўрганилади ва тьюторларнинг вазифалари белгиланади, ўқитишнинг ўлчанадиган ва тушунарли мақсадлари ифодаланади ва уларни ўқитиш шакллари, баҳолаш усуллари аниқланади, шунингдек, кутиладиган натижаларнинг рўйхати тузилади. Таҳлил бажарилгандан кейин таълим мақсадларини аниқлаштириш мумкин, бу ўқув курсини лойиҳалаш, режа-

лаштиришга киришиш имконини беради. Масофавий малака ошириш курсларини лойиҳалаш. Бу фақат малака ошириш курслари ўқув дастурини лойиҳалаш эмас, у билан бирга, айниқса масофавий таълимнинг тегишли технологиялари, ўқитиш шакллари учун алоҳида аҳамиятли бўлган биринчи босқич саволларига боғлиқ ҳолда шакллантиришдир. Масалан, мустақил ва аудитория ўқув юкмасининг ўзаро нисбати, масофавий алоқа шакллари (чатлар, электрон семинарлар, вебинарлар) ва масофавий малака оширишга хос бўлган бошқа шаклларни амалиётда қўллашни режалаштиришдан иборат. Масофавий малака ошириш курсларини ишлаб чиқиш. Курсни ишлаб чиқишда масофавий курс нима учун яратилаётгани, нимага эришиш, охирида қандай натижа олиш кераклигини аниқ тушуниш дастлабки вазифа ҳисобланади. Кўпинча ўқув дастурларнинг мақсадлари тингловчиларнинг касбий фаолиятидаги мўлжалларидан сезиларли фарқ қилади, бу таълимда кутилган мақсад билан ҳақиқий ҳолат орасидаги номувофиқликнинг сабаби бўлади. Номувофиқлик эҳтимолининг олдини олиш учун мақсадлар глобал бўлмаслиги, балки тингловчиларнинг қизиқишлари ва ҳақиқий эҳтиёжларига жавоб берадиган бўлиши керак. Масофавий малака ошириш курсларини амалиётга жорий қилиш. Бу босқичда ўқув курсининг ўқув-методик материаллари ўқув порталга юкланади ва ундан тингловчилар материаллардан фойдалана кенг фойдаланиш имконияти яратилади. Масофавий малака ошириш курсларини баҳолаш. Бунда курснинг натижалари, самарадорлиги юзага чиқади. Жумладан, тингловчиларнинг курсни яқунлагандан кейинги ютуқлари, камчиликлари таҳлил қилинади ва қўйилган мақсадларга қанчалик даражада эришилганлиги баҳоланади ҳамда ўз навбатида яна биринчи босқич – таҳлилга янгидан мурожат қилинади. Бу малака ошириш курсини ташкил этиш босқичларини қанчалик даражада қайта кўриб чиқиш, таҳрирлаш, ўзгартиришлар киритиш кераклигини аниқлаштириш имконини беради. Педагогик дизайннинг айнан шундай цикли схемаси ғоят сезиларли натижалар беради ва

малака ошириш курсининг тузилиши билан боғлиқ кўп масалаларни комплекс ҳал этиш имконини беради. Амалда бундай схеманинг ҳар бир босқичда тескари алоқа мавжуд, шунинг учун тизим ўзини ўзи коррекциялайди. Мазкур ғоялар асосида прокуратура органлари ходимларини масофавий малакасини ошириш курслари амалиётга жорий этилган [2]. Жумладан, анъанавий малака оширишдаги 4 ҳафтага мўлжалланган 144 соатли ўқув юклама 100% ва ҳафталик 36 соатли юклама 25% ва масофавий малака ошириш шароитида тингловчи кунига 2 соат ўқиши мумкинлигидан келиб чиқиб режалаштирилади. Ушбу ҳисоб-китоблар асосида тўлиқ масофавий шаклда малака ошириш курсларининг давомийлигини 1+0, 2+0, 3+0, 4+0 схемасида режалаштириш ва ўқув соатларини тақсимлашнинг мазмун-моҳияти қуйидагилардан иборат. Бунда масофавий курсларнинг 1+0 схемасида – ўқув соатларининг умумий 144 соатлик ҳажмдан 36 соати тўлиқ масофавий малака ошириш шаклида, 2+0 схемасида – 72 соати тўлиқ масофавий малака ошириш шаклида, 3+0 схемасида 108 соати тўлиқ масофавий малака ошириш шаклида, 4+0 схемасида 144 соати тўлиқ масофавий малака ошириш шаклида ва курс якунида юзма-юз ёки алоқа воситалар асосида якуний назорат ўтказилиши назарда тугилади. Мазкур масофавий малака ошириш курсларда олиб бориладиган машғулотлари ва назорат турларининг мазмун-моҳияти қуйидагилардан иборат: асинхрон машғулотлар – масофавий туриб электрон ўқув ресурсларини мустақил ўзлаштириш ҳисобланади; синхрон машғулотлар – масофавий туриб реал вақт режимида машғу-

лотларни олиб бориш ҳисобланади; синхрон Flipped learning – ўқув жараёнининг асосий қисми бўлган дарс билан уйга вази-фаннинг ўрни алмаштирилиб, аввал уйга вази-фани бажариш жараёнида видео, аудио ва бошқа интерфаол материалларни ўрганиш, бўлажак дарсга тайёргарлик кўриш ва мазкур ўзлаштирилган билимларини дарс жараёнида амалий қўллаш шаклида олиб борилади; синхрон очик дарс – анъанавий малака ошириш жараёнида ўтказиладиган очик дарслар билан мазмунан деярли бир хил бўлиб, фақат фарқи замонавий веб-конференция воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда синхрон яъни он-лайн режимида ўтказилади; тахлилий хулоса – масофавий малака ошириш курслари якунида барча назорат ишларини умумлаштирган ҳолда тахлилий хулоса тайёрланади ва тингловчилар курсни қандай якунланганлиги тўғрисида қарор қабул қилинади. Бунда махсус назорат натижалари инобатга олинади; синхрон назорат – малака ошириш курслари тўлиқ ёки қисман масофавий шаклда ташкил этилганида ўқув жараёнида ёки курс якунида назорат ишлари синхрон режимида ўтказилиши назарда тугилади. Мазкур машғулотлар ва назорат ишларини ташкил этишда асинхрон ва синхрон ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинади.

Умумий хулоса сифатида шунини айтиш мумкинки, масофавий малака оширишда бирмунча янги бўлган педагогик дизайн моделлари аниқ бир мақсадга йўналтирилганлиги, тахлиллар натижасига асосланган ҳолда лойиҳалаш, мазмунни ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш ҳамда курснинг умумий самарадорлигини баҳолаш жиҳатлари таълим сифатини оширишга хизмат қилади.



Фойдаланилган адабиётлар:



1. Воронина Д.В. Педагогический дизайн как средство развития учебной мотивации студентов дистанционной формы обучения // Ярославский педагогический вестник – 2016 – №5, 135-140 с.
2. Ибраймов А.Е. Масофавий малака оширишнинг педагогик дизайни. // ўқув-услугий қўлланма. - Тошкент: "Lesson press", 2020.-108 б.
3. Моисеева М.В., Полат Е.С., Бухаркина М.Ю., Нежурин М.И. Интернет-обучение: технологии педагогического дизайна // под ред. кандидата педагогических наук М.В. Моисеевой. - М.: Издательский дом «Камерон», 2004. – 216 с.

Hurmatli jurnalxonlar!

“Kasb-hunar ta’limi” jurnali tahririyati sizni o’zaro hamkorlikka taklif etadi.

Jurnal sahifalarida kasb-hunar ta’limini rivojlantirishga qaratilgan ilmiy-uslubiy maqolalar, innovatsion ta’lim texnologiyalari, metodik tavsiyalar bilan birga ilg’or tajribalar hamda tizimda amalga oshirilayotgan ibratli ishlar va yangiliklarni yoritishingiz mumkin.

O’z ilmiy qarashlaringiz, innovatsion g’oyalar, metodik tavsiyalar, ilg’or tajribalaringizni “Kasb-hunar ta’limi” jurnalxonlari bilan bo’lishing!

